

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

**5111600-МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ
ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ**

РАСУЛОВА ДИЁРА БАҲРОМОВНА

**Мавзу: “ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ
ТАРМОҚЛАРНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ”**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: “Миллий ғоя”
кафедраси катта ўқитувчиси
С.А.Бердикулова**

Тошкент 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

1.Боб. “ГЛОБАЛЛАШУВ”, “ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР” ТУШУНЧАЛАРИ ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1.Глобаллашувнинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари.....

1.2.“Ижтимоий тармоқлар” тушунчаси ва ўзбек миллий
маданиятининг мазмун моҳияти.....

2.Боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....

2.1. Ўзбек миллий маданиятини юксалтиришнинг замонавий
кўринишлари.....

2.2. Ижтимоий тармоқларда ўзбек миллий маданиятига қарши таҳдидларнинг
баргараф этиш йўллари.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган энг катта, залворли ютуқлардан бири Ватанимизнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг маънавий оламини бой, ҳар соҳада баркамол қилиб тарбиялаш учун бутун инсоният неча минг йиллар давомида яратган моддий ва маънавий маданият хазиналаридан баҳраманд этиш, унда барча халқларга ҳурмат, миллий ифтихор, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришдан иборат.

Бу масалага алоҳида эътибор берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “... юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”¹- дейди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач бу борада туркум вазифаларни ҳал қилиш кун тартибига қўйилди. Бизнинг битирув малакавий ишимиз мавзуси ҳам шулар жумласидандир.

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Мазкур мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, ҳозирги кунда жамият маънавий ҳаётида глобаллашув сабабли вужудга келётган таҳдидларни ҳал этиш бўйича жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни қилиш тақозо этилмоқда.

Иккинчидан, ўтиш давридаги қийинчиликлар, яъни бир мафкура ўрнини бошқа мафкура эгаллаётган бир пайтда муаммоларни ҳал этишда ижтимоий барқарорликни сақлаш учун ҳам аждодларимиздан қолган маданиятимизни қайта тиклаш ва уни янада кенгроқ ўрганиб жамиятга

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишини таъминлаш-халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир.-Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 7-съездидаги маъруза. 2016. 19 октябрь. –Б 89.

тадбиқ этилиш назарда тутилган эди. Бу жараён энг аввало инсонларнинг индивидуал фаоллигини ошиши билан баҳоланади. Ва бу йўлда ҳали қатор вазифалар ўз ечимини кутаётганлиги билан характерлидир.

Учинчидан, юртимиз фуқароларининг неча минг йиллик тарихий ва маънавий тараққиёт тажрибасига, миллий давлатчилигимиз негизларига, маънавий меросимиз илдизларига, миллий менталитетимизга хос хусусиятларимиз ва бой қадриятларимизни ҳамда тараққий топган демократик мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлди. Бу янгича инновацион ёндашувларни вужудга келишига туртки бўлди. Ижтимоий тармоқларни ролини оширди. Республикамиз Биринчи Президенти таъкидлаганидек, “Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилик негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак”². Бундан ташқари, мазкур мавзу деярли барча таҳдидлар яъни глобаллашув оқибатида пайдо бўлган “оммавий маданият” нинг таъсири остида етакчи давлатлар томонидан ўз манфаатлари йўлида ёш мустақил ривожланаётган мамлакатларга қарата мафкуравий курашларни ҳамда ёшлар онгига ёт ғояларни сингдириш борасидаги ҳаракатларнинг ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошираётгани ва буни олдини олиш ва унда таълим - тарбиянинг тутган ўрни уни такомиллаштириш масалаларини ўрганишдан иборат. Ҳақиқатдан ҳам шундагина биз глобаллашув ва уни жамият тараққиётига ҳавф солаётган томонларини ҳал қилишимиз мумкин, бу ҳозирги кундаги муҳим масалалардандир. Демак, ҳар қандай глобаллашув ҳодисаларини

² Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. – Т.: Шарқ. 1998, - Б.34.

миллийлигимизга асосланган ҳолда ва буни замон билан ҳамоҳанг ҳолда олиб боришимиз ҳам мавзунинг долзарбликларидан бири саналади.

Тадқиқотнинг объекти. Глобаллашув жараёнида ижтимоий тармоқларнинг роли унинг аҳамияти масалаларини ўрганиш унинг объектидир.

Тадқиқотнинг предмети. Глобаллашув шароитида унинг ўрни билан боғлиқ бўлган қонуниятларни ижтимоий – фалсафий қарашлар, тамойилларга таянган ҳолда ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек миллий маданиятига таъсирини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади:

- глобаллашув , ижтимоий тармоқлар тушунчаларининг мазмун – моҳиятини, тизим сифатидаги ички хусусиятларини қайд қилиш;
- Ўзбекистонда глобаллашувнинг таҳдидларини олдини олишда миллий ўзликни англашнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш,
- Мамлакатимиз мустақиллиги шароитида вужудга келган ижтимоий тармоқларнинг функцияларини кўрсатиш ва уни миллий маданият тизимидаги аҳамиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Глобаллашув жараёнининг жамият стратегик мақсадлари билан узвий боғлиқлигини кўплаб фактологик маълумотлар асосида тадқиқ қилиш;
- Глобаллашув ва ижтимоий тармоқларига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларнинг миллий ғоя билан чамбарчас боғлиқлигини фалсафий жиҳатдан ўрганиш;
- Глобаллашувни ижтимоий тармоқларга салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва бу борадаги таҳдидларни бартараф қилишда миллий кадриятларнинг ролига доир кўплаб таклифларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мустақиллик йилларида жамият маънавий тараққиёт йўлида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнида ўзининг ўрни ва бу йўлда туркум муаммоларни тизимли тарзда ўрганилганлиги билан характерланади.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Ҳозиргача дунёда глобаллашув ва ўзбек миллий маданияти, ижтимоий тармоқларнинг жамиятда тутган ўрни борасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг жойларда фуқаролар билан суҳбатлари, нутқлари, маърузаларида шунингдек, мамлакатимиз Биринчи Президенти И. Каримов асарларида бу мавзунинг турли жиҳатлари илмий ва амалий асосланган. Шунингдек, илмий тадқиқотни бажариш мобайнида Ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг глобаллашув шароитида мафкуравий-маънавий таҳдидлар, ахборот ҳуружи ва оммавий маданиятнинг умумбашарий ва ўзбек миллий кадриятларга таъсири, ғарб ахлоқий муаммолари ва унинг шарқ маданиятига таъсири, тамаддунлар тўқнашуви ва маданиятлараро мулоқот ҳамда унинг ўзига хос ютуқлари ва муаммолари, маънавият асослари ва маданиятшуносликка доир илмий-фалсафий асарлари таҳлил этилди. Истиқлолдан сўнг Ўзбекистон минтақада геосиёсий ва геостратегик жиҳатдан етакчи мавқега эга эканлиги, унинг глобаллашув жараёнида ташқи хавф ва минтақавий муаммоларни олдини олишда муҳим рол ўйнаши барчага аён, шундан келиб чиқиб маънавий таҳдидлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида мамлакатимиз олимларидан

Пахрутдинов Ш, Отамуротов.С, Қаҳҳорова.Ш, Ғаниев.А, Сулаймонова Ф, Очилдиев А, Аббосхўжаев О, Саидов У, С.Худайназаров, О.Нишонова, М.Нурматова, Қуронов М, Ш.Тўраев³нинг туркум асарлари ва бошқа қатор ахборот манбалари илмий тадқиқот яратиш жараёнида ўрганилди тўлиқ матни

³ Мазкур олимларнинг мавзуга оид илмий ишлари рўйхати битирув ишимизнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмидан жой олган.

битирув малакавий ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ўрин эгаланган. Мустақилликни кўлга киритганимиздан сўнг глобаллашув туғдираётган таҳдидларнинг асосий белгиларининг ижтимоий тармоқлар орқали кириб келаётган турли ғоялар, ўзбек миллий маданиятимизнинг такомиллаштиришдаги аҳамиятига бевосита қаратилган махсус тадқиқотлар ниҳоятда кўп, аммо булар ҳам муаммоларни тўла – тўқис ҳал қила олмаяпти. Шу нуқтаи назардан биз ҳозирги кунда кўпроқ амалиёт ва назарияни бирлаштирган ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Юқоридагилардан фарқли ўлароқ, тадқиқот ишимизда глобаллашув ва ижтимоий тармоқларининг функцияларини ўзига хос хусусиятлари, уларнинг диалектик алоқадорлиқини ўрганиш масалаларини ижтимоий – фалсафий нуқтаи – назардан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шу билан биргаликда глобаллашувнинг салбий оқибатлари, унинг жамият фаровонлигига таъсир ўтказиётган таҳдидларини кўлимиздан келганча ёритишга уриндик.

Тадқиқотда қўлланилган услублар. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, мантиқийлик ҳамда кузатиш, умумлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Битирув малакавий ишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳамда Биринчи Президент И.А.Каримовнинг маънавий янгиланиш ва юксак маънавият, глобаллашув каби муаммолари бўйича нутқ, маърузаларидаги концептуал ғоялар шунингдек, 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармон, Республикамизда жамият тараққиёти масалаларига бағишлаб ўтказилган назарий ва амалий анжуман материаллари, мавзу доирасидаги муаммолар бўйича изланишлар олиб борган файласуф, социолог, маданиятшунос олимлар асарларидан фойдаланилди илмий мақолалар муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Бундан ташқари, замонавий ахборот технологиялари хусусан, оммавий ахборот воситаларидан, “интернет” тармоғи саҳифаларидан шу соҳага оид маълумотлардан самарали фойдаланилди ва методологик асос бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг **назарий аҳамияти** шундаки, унда баён этилган умумий фикрлар, хулосалар Ўзбекистонда глобаллашув таҳдидларини ҳал қилиш ва ижтимоий тармоқларнинг аҳамиятини ўрганишга бағишланадиган бундан кейинги ишлар учун муайян манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги материаллардан:

- Ижтимоий тармоқларнинг функцияларини таҳлил қилишда, глобаллашув муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ислоҳатларнинг мазмун ва йўналишини очиқ беришга қаратилган анжуманларни ўтказишда;
- Республика Маънавият ва маърифат маркази, маънавий меросни тарғиб қилувчи жамоат ташкилотлари фаолиятида, жамиятда глобаллашув даврида ижтимоий барқарорликни таъминлаш юзасидан бўладиган турли тадбирларда;
- Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида миллий ғоянинг туркум фанлари доирасида, маданиятшунослик, маънавиятшунослик, этномаданият, фалсафа, ижтимоий фалсафа, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқшунослик, социология каби фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши “Кириш”, тўртта параграфдан иборат икки боб, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Битирув малакавий иш _____ бетдан иборат.

1.Боб. “ГЛОБАЛЛАШУВ”, “ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР” ТУШУНЧАЛАРИ ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1. Глобаллашувнинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлатни, жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди кенг муҳокамалардан кейин 2017 йил 7-февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”⁴ги фармони имзоланди. Мазкур ҳолат босиб ўтилган тараққиёт йўлини мустаҳкамлаш ва янгича босқичлар учун йўл очиб берганлиги ҳам, бизнинг ёритишга имкон қадар ҳаракат қилинаётган битирув малакавий ишимиз мавзусини ҳам долзарблигини белгилайди.

Маълумки, дунёда инсонлар бор эканки тарихдан маълум бўлгани каби улар ҳар доимгидек жамиятнинг бир бўлаги сифатида яшаб келмоқдалар. Жамият ташкил топиши учун инсонлар ва уларнинг гуруҳлари бўлиши керак бўлади. Жамиятда одамлар ўзаро ижтимоий мулоқотда, ҳаракатда бўлади. Бу нарсалар уларнинг ўзаро бирлашувига, турли халқларнинг интеграциялашувига олиб келади. Яъни ҳар бир кишилик жамияти ўзига яраша ном олган. Шу жумладан ҳозирги XXI асрни ҳам кўплаб одамлар ҳар ҳил талқин қилмоқда кимдир янги замонавий технологиялар асри деса, кимдир ахборотлашув даври дейди, буларнинг барчасида албатта ҳақиқат

⁴ Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 7 феврал 2017.

бор. Лекин кўпчилик, яъни, турли соҳа эгалари бу даврни умумий маънода глобаллашув даври деяётгани ҳам бор гап. Битирув малакавий ишимизнинг мазмун моҳияти ҳам айнан глобаллашув даврида инсонлар орасидаги ижтимоий тараққиётни таъминлаб бериш масалалари билан характерланади.

Глобаллашув даври бўлаётган ҳозирги бир пайтда фан арбобларининг бу тушунча ҳақидаги фикр қарашлари ҳар хиллиги кўзга ташланмоқда. Мисол тариқасида кўплаб фан намоёндалари олдин ҳам ҳозир ҳам глобаллашув тушунчаси ҳақида кўплаб мақолалар, рисоалар, асарлар ёзганлар. Бу тушунчани келиб чиқиши албатта узоқ ўтмишга бориб тақалмайди. Тўғри тушунчанинг маъноси, моҳияти тарихдан буён пайдо бўлиб шаклланиб, ривожланиб келмоқда, аммо глобаллашув сўзининг ўзи XX асрда илк бора фанда қўлланила бошланди. Бу ерда дастлаб глобаллашув тушунчасининг маъноси, мазмуни, моҳиятига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда “глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттинг томонидан 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган ўзининг мақоласида тилга олинган эди. У йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини глобаллашувдир деган⁵. Глобаллашув жараёни 1990 йиллар ўрталарида интернет пайдо бўлгач, олдингисига қараганда ҳам мураккаб табиатга эга бўла бошлади. Бу орқали унинг тарқалиш таъсири янада ошди. “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби” - дейди Биринчи Президентимиз - бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас⁶. Бизнинг

⁵ Мировая экономика и международные отношения. 1998, №1, -Б13.

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.80.

мамлакат дунёвий давлатдир, шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, биз дунёнинг у бурчагидан то бу бурчагигача бўлаётган воқеа ходисалар, сиёсий карама-қаршилиқлар, иқтисодий муоммолар, турли хил кўпоровчилик ҳаракатлари каби глобал жараёнларни кузатмас эканмиз, юртимизга кириб келаётган хавф-хатардан ўзимизни олиб қоча олмаймиз. Шунинг учун ҳам бу нарсани яхши англашимиз, тушунишимиз, уни ҳар томонлама фарқлай билишимиз керакдир. Глобаллашув жараёнини таҳлил қилар эканмиз, унга нисбатан ёндашувлар ҳам турли хил эканлигини эътироф этмоқчимиз. Хусусан, Биринчи Президентимиз айтганидек “глобаллашув- бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”⁷. Дарҳақиқат, компьютер, интернет, оммавий ахборот воситаларининг яратилиши билан бу нарсаларнинг тарқалиши тез суръатларда амалга ошмоқда, яъни глобаллашув етиб бормаган жойнинг йўқлиги юқоридагиларнинг яратилиши билан боғлиқ. Бунинг натижасида бирор жойда, гуруҳларда умуман мамлакатда содир бўлаётган ғоялар бошқа жойларга тезлик билан тарқалмоқда. Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятлари тўлароқ қамраб олгани, француз тадқиқотчиси Б. Бандининг таърифи характерлидир:

- а) глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- б) глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви (юнонча. Хонкоденс таркиби, келиб чиқиши жиҳатидан бир жинслик) ва универсаллашуви жараёни;
- в) глобаллашув - миллий чегараларнинг “ювилиб кетиши” жараёни.

Шубҳасиз глобаллашув асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда, у ҳеч қандай жой, макон, чегара танламайди. Бунга ўхшаш таърифлар жуда ҳам кўпдир. Бугунга келиб бир қанча илм намоёндалари глобаллашув – бу янги жаҳон урушидир дейишмоқда. Уруш деганда тўғридан – тўғри биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ёки булардан ҳам

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.81

олдинги урушлар сингари бўлишимас, аксинча, булардан ҳам ҳавфлироқ, яъни, инсон онгини, маънавиятини, рухиятини эгаллаб, уни захарлаб, вайронкор ғоялар билан тўлдириб, турли – туман кўпорувчилик сингари салбий фожеалар томон бегунох одамларни ўзларини орқаларидан эргаштирмоқдалар. Ўз – ўзидан аёнки, бунга миллий кадриятлар, урф – одатлар, ахлоқий қонун – қоидалар каби ижобий хусусиятлар рухида тарбияланган, шаклланган инсонлар орқалигина қаршилик кўрсатишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун албатта мамлакатнинг ҳар бир бурчагида тарғибот – ташвиқот ишларини олиб боришимиз, турли анжуманларни уюштиришимиз, энг асосийси таълим жараёнида глобал тахдидларга қарши тура оладиган, оқ ва қорани англайдиган баркамол авлодни вояга этказишимиз даркор.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, “Глобаллашув жараёнини яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир кууролига айланиб, ҳар ҳил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига ҳизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”⁸. Ҳар бир давлат ўз сиёсий жараёнларини қатъият билан олиб бормас экан, бегона, ёт ғояларнинг кириб келишига тўсқинлик қилаолмаслиги мумкин, глобаллашув бу ерда худди юртбошимиз такидлаганидек, мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир кууролига айланади. Бунинг домига тушган давлат ҳар ҳил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига ҳизмат қилиши муқаррардир.

Замонавий глобаллашув ҳақида Ж. Шолте ўз фикрларини билдирган. Унинг назарида “Замонавий глобаллашув, бир томондан, либерал демократияга ҳос камчиликларни ёрқин намоён қилади: тенгсизликни янада

⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.112.

чуқурлаштиради, атроф муҳит ҳолатига путур этказади, таълим тизимини издан чиқаради, бошқа томондан, у демократик тараққиёт, иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий ислоҳотларнинг муқобил ёндашувларининг яратилиши ва кенг тарқалишига замин яратади”⁹.

Кўриниб турибдики, глобаллашув фақат салбий эмас, балки ижобий хусусиятларга ҳам эга экан. Ҳар бир нарсани яхшисини билиш учун унинг албатта ёмон томонини билишимиз керак, зеро бу оқ ва қорани англашимизда бизга “қурол” сифатида хизмат қилади. Ҳозирги кунда тан оламизми йўқми, глобаллашув кўплаб ёндашувлар, тараққиётлар, ислоҳотларни яратилиши ва кенг тарқалишига имкон беряпти, бу эса ўз навбатида жамиятнинг гуллаб яшнаши, ривожланиши, тараққий топиши, барқарорлиги ўз қўлимизда эканлигининг ёрқин намунасидир. Бу ҳар бир инсон ҳозирги даврда сўнги янгиликларни билиши, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиши билан боғлиқ бўлган жараёндр.

Кўплаб олимларнинг фикрича глобаллашув буюк географик кашфиётлар натижаси ўлароқ бошланган дейилмоқда, аммо бир нарсани унутмаслик лозимки, халқлар ва миллатларнинг ўртасида ҳар доим алоқалар бўлиб келган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Орий қабилаларининг Шарқдан бошлаб аста – секин Европага тарқалиши, натижада инсонларнинг умумий жиҳатдан бир бирига ўхшашлигига, яъни глобаллашувнинг айрим жиҳатлари ўша даврдан юзага чиққанлигига мисол дея оламиз. Бундан ташқари Македонский, Чингизхон, Амир Темур каби тарихий саркардаларнинг бошқа давлатларни устидан ҳукмронлик қилишга бўлган интилишлари буюк географик кашфиётлардан ҳам олдин глобаллашув учун замин яралганини кўрсатади. Буюк географик кашфиётларнинг энг ижобий,

⁹ Sholte J. Rethinkind Globalizition. London, 2000, - p.14.

самарали томони курукликдаги алоқалардан ташқари денгиз алоқалари вужудга келди ва шаклланди. Бунинг натижасида олдин кўпчилик билмаган китъалар, давлатлар кашф этилди ва глобаллашув жараёни олдингисиданда такомиллаша борди. Тарихга назар ташлаётган эканмиз бу ерда албатта Наполеон Бонапартни беихтиёр эслашга тўғри келади, У ҳам ҳаёти давомида кўплаб истилолар, қон тўкишлари қилган. Юқоридаги қайси бир шахсни олиб қарамайлик барчаси ўзи истило қилган жойда маҳаллий халқ билан яхши бўлиш учун аскарларини, кези келганда шахсан ўзи туб аҳоли билан никоҳдан ўтган, ёки бўлмасам, у жойнинг етук кишиларини, кўзга кўринган илм фан намоёндаларини ўз мамлакатига мажбурлаб бўлса ҳам олиб келиб ўзлари учун хизмат қилишга ундашган. Бу воқеалар эса халқларнинг жипслашувига тил, маданият каби жиҳатдан ўхшашликка олиб келган. XIX асрга нисбатан XX асрда глобаллашув ниҳоятда кенг қамровли бўлди. Бу даврдаги 1 – жаҳон уруши, 1929 – 1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози, ундан кейинги 2 – жаҳон урушининг бўлиши бу албатта юқоридаги фикрга мисол бўла олади. Ёки бундан кейинги даврлардаги жараёнлар: 1973 – 1974 йиллардаги инқироз, турли давлатларнинг иқтисодий соҳа бўйича ўзаро урушлари, СССРнинг қулаши глобаллашув кўламини яққол кўрсатади. Хозирги пайтда унинг жуда кучли ва кенг таъсирини барча жабхаларда кўриш, идрок этиш мушкул эмас. Айниқса, давлатлар, миллатлар ва халқлар ўртасидаги бирлашув ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун имкониятлар вужудга келиши, ҳар бир фуқаро ўз давлатининг бошқа дипломатик алоқаларига эга бўлган бегона давлатда шартнома асосида қонуний ишлаши, давлатнинг туб фуқароси сингари иш – фаолият олиб бориши, ўша давлат томонидан қўлланилиши имконияти борлиги, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, ахборот технологияларининг, замонавий коммуникация илм - фан кашфиётларининг

тезлик билан тарқалиши, турли урф – одатларнинг, маданиятларнинг, анъаналарнинг умуминсоний тарзда жипслашуви, экологик ва турли муаммолар пайтида ўзаро ёрдам бериш имкониятларининг борлиги, керак бўлса кучайиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда. Ана шундай бир вазиятда ўз менини, миллий ғояси ва мафкурасини мустахкам қилган инсонларгина аждодлар мероси ва кадриятларидан юз ўгирмаган ҳолда глобал тафаккурга тайёр ҳолда оммавий маданиятни, ёки бўлмаса ҳозирги кунда биз замонавийлик деб ҳисоблаётган нарсани миллийлик даражасига тадбиқ этади. Глобаллашувнинг мазмун моҳияти жуда ҳам кенг қамровли эканлиги юқоридагилардан ҳам маълум. “Глобаллашув бир томондан инсониятнинг бирлашиши ва интеграция жараёнларини кучайтирувчи, унинг фаровонлик даражасини оширувчи, давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий жараёнларини жадаллаштирувчи, мамлакатлар ва халқларнинг технологик илмий ва маданий ютуқларини ўзаро алмашишини фаоллаштирувчи омил бўлса, бошқа томондан бой, қудратли ғарб ва маънавий – ахлоқий жихатдан қашшоқ ҳамда заиф ғарб дунёсига тегишли бўлмаган давлатлар ўртасидаги фарқни тобора кучайтирувчи омил сифатида намоён бўлади”¹⁰.

Демак, глобаллашув кўплаб жихатдан кишилик жамиятини тараққий топишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Глобаллашув турли мамлакат одамлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга, кишилар ўртасидаги миллий, диний ва маданий айирмаларни юмшатишга ёрдам беради, ахборот, технологиялар ва илмий - техник ютуқлар билан алмашилишга кенг шароит яратади. Турли маданиятлар, урф – одатлар, анъаналарни ўрганишимизда, халқаро дипломатик алоқалар йўлга қўйилишида, сиёсий жараёнлар ривожини кузатишимизда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан биргаликда кўплаб ғоявий акстаъсир ўтказишда, жамият ҳаётини

¹⁰ Умаров.Б, Жабборов. Ш. Глобаллашув ва маънавий – ахлоқий тарбия. – Т: “Академия”, 2010.-Б.11.

бузишда, ижтимоий беқарорлик келтириб чиқаришда вайронкор ғояларга эга бўлган гуруҳлар манфаатларига ҳам хизмат қилмоқда.

Глобаллашувнинг асл моҳияти, мазмунини англаб етиш жамиятдаги инсонларнинг ҳаракати, фаолияти, рухий ҳолати, бундан ташқари, жамият сиёсий бошқаруви, у ердаги ижтимоий аҳвол, ҳуқуқий онгнинг қандай ривожда кетаётганлигига чамбарчас боғлиқ. Албатта ундан унумли фойдаланишимиз учун жамият таназзулга учраган бўлиши эмас, аксинча, ривожланган бўлиши керак бўлади. Глобаллашув жараёнидан тўғри фойдаланишимиз жамият барқарорлиги учун заминдир. Зеро, шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай ривожланиш, тараққиётга барқарорлик билан эришиш мумкин.

Ушбу параграфда **глобаллашувнинг намоён бўлиш хусусиятларига** тўхталар эканмиз, бунда албатта глобаллашув қачон намоён бўлади? Унинг хусусиятлари қандай ҳолатда юзага келади? деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Қайси соҳага қарамайлик, унинг намоён бўлишига биронта туртки сабаб бўлади. Ҳудди шунингдек глобаллашувнинг ҳам намоён бўлиш хусусиятлари жуда ҳам катта, таъсир доираси ҳам кенгдир. Бунинг намоён бўлиш хусусиятлари деярли барча соҳаларда кўзга ташланади. Глобаллашув даври бўлаётган ҳозирги бир пайтда, унинг жамиятга, унда истиқомат қилаётган одамларга таъсири, одамларнинг уни тўғри ёки нотўғри тушуниши, англаши, ҳамма – ҳаммаси глобаллашувнинг намоён бўлиш хусусиятларида кўринади. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритгач, мамлакат фуқаролари онгида янгича фикр, дунёқарашни, тафаккурни, миллий онгни шакллантириш кун тартибидаги долзарб масалага айланди. Глобаллашув жамиятимиз ривожланишида фақатгина ижобий ходиса сифатида эмас, салбий хусусиятлари билан ҳам намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам буларни ҳар бир фуқаро англаб етиши,

фарқлаши, боринки ажратиши учун ҳам тўғри хулоса чиқара билиши лозимдир. Глобаллашувнинг қай тарзда намоён бўлиши хусусиятлари бу ўзимизнинг кўлимиздадир. Ушбу режада кўлимиздан келганча маънавий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда глобаллашувнинг намоён бўлиш хусусиятларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. Унинг хусусиятлари ҳақида кўплаб илм намоёндалари фикрлар билдирган, шу жумладан қуйидаги фикр диққатга сазовордир. “Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини характерловчи техносферанинг глобаллашуви унинг яна бир ўзига хос хусусиятидир”¹¹. Кўриниб турибдики, бу жараён тил, дин, миллат танламайди.

XXI аср техника, ахборот асри дегани ўз – ўзини кундан – кунга исботлаб бормоқда, аниқроғи аллақочон исботлаб бўлди. Глобаллашувнинг намоён бўлиши, уни хусусиятлари шу нарсалар орқали янада такомиллашиб, тараққий топиб бормоқда. XIX аср охири XX аср бошларидан бир қанча мамлакатлар жамиятида глобаллашув хусусиятлари пайдо бўла бошлади. Ҳозирга келиб унинг таъсири доирасидан ташқарида мавжуд бўлган давлатнинг ўзи йўқ. Шубҳасиз, унинг доирасидаги воқеа ходисаларни, у келтириб чиқараётган жараёнларни алоҳида, яқка ҳолда ҳал қилиб бўлмайди, аксинча уни умумий, бир ёқадан бош чиқарган ҳолатда, ўзаро ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин. Даставвал, маънавий соҳада намоён бўлиши бугунга келиб жуда ҳам кенг ёйилмоқда. Юртимиз мустақил бўлгач ўз кадриятларимиз яна қайта тикланди, топталган маънавиятимизни янгидан ўргана бошладик. Дастлаб бу тушунчаларнинг моҳияти, келиб чиқиши, намоён бўлишини ўрганишга эътибор берилди бошланди. Мустақиллигимизнинг ўтиш даврида бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикаимиз Биринчи Президентининг “Аҳолининг

¹¹ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Мухаррир нашриёти, 2009. - Б. 64 -65.

онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узок йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкуриси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёкараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди”,¹² - деган фикрлари мустамлакадан озодликка эришган Ўзбекистон давлати фуқароларининг эришган йўлларида далолат беради. Бундан ташқари Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият - энгилмас куч" рисоласида алоҳида уқтирганидек, "Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас"¹³. Бунда албатта жаҳонда содир бўлаётган жараёнларга астойдил баҳо бериш, энг аввало уни тўғри тушуниб етиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина объектив хулоса чиқаришимиз мумкин. Агарда ўзимизни булардан йироқда, унга алоқаси бўлмагандек тутадиган бўлсак биз хато қиламиз, чунки бундан узокда туришнинг ўзи бир хатодир. Унинг ҳар бир воқеасидан хабардор бўлишимиз, яхши – ёмонини фарқлай билишимиз, унга қарши ўз стратегик режамизни тузишимиз уни энгишимизда кўмак бўлиши мумкин. Энг асосийси биз ўз тарихимизни билишимиз, ўзлимизни унутмаслигимиз керак бўлади. Биринчи Президентимиз маънавий қадриятлар масаласига алоҳида эътибор берганлигининг боиси ҳам шундадур. “Маънавий қадриятларга таяниб миллий ўзликни сақлаб қолиш мумкин”¹⁴ – деган. Қайсидир маънода қадриятларимизни қайтадан тиклашимиз бу глобаллашувнинг салбий хусусиятларини бартараф этишда, унинг устидан ғалаба қозонишимизда ҳимоя воситасини ўтаб бермоқда. Унинг жамиятда намоён бўлиши турличадир.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. // Халқ сўзи. 2007 йил 31 август.

¹³ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас. – Т.: “Маънавият”, 2008. - Б. 112.

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – Б. 137.

Кишиларни ахлоқсизликка, эгоцентризм томонга тортмоқда, ўз эътиқодига бўлган ишончни йўқотиш, миллатлараро келишмовчиликлар келиб чиқиши, ўзаро кўшни бўлган давлатлар ўртасида низолар уйғотиш каби нарсалар орқали намоён бўлмоқда. Бундай ғайритабиий ишларни амалга оширишда уларга оммавий маданият кўл келмоқда. Буни битта жойда турган холда ҳам турли жойларга интернет орқали узатиш мумкин. Айниқса инсон онгига осон ва тез таъсир қилиш, бу кино орқали амалга оширилмоқда. Мафкуравий глобаллашув шароитида бу нарса янада тараққий этди. Бунда Голливудда ишлаб чиқарилаётган фильмларнинг таъсири бошқаларга нисбатан кучлироқ эканини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ёш авлод, яъни энди камол топаётган болаларнинг севиб кўраётган ғарб кинолари, улардаги бош қаҳрамонларга тақлид қилиши, улар қилган ишларни такрорлаши, бундан ташқари, худди шуларга ўхшаб кийиниши, шарқона одатларимизга тўғри келмайдиган шу каби ғарб маданиятларини кириб келиши ҳам глобаллашувнинг намоён бўлиш хусусиятларидандур. Шунингдек, “юмшоқ эротика”, “очиқ порнография”, вахшийлик, ёвузлик, тубанлик каби салбий нарсаларни тарғиб қилаётган газета, журналлар, интернет сайтларини ҳам юқоридагилар қаторига қўшиш мумкин. Демак булардан кўриниб турубдики, бу нарсаларнинг асосий яратилиши ғарб давлатлари ва АҚШга тўғри келмоқда. Шундай экан, ҳозирги кунда глобаллашаётган ғарблаштириш сиёсатини кўр – кўрона қабул қила олмаймиз. Бунда албатта ушбу нарсани чуқурроқ ўрганишимиз керак бўлади. Улар тарқатаётган оммавий маданият, умуминсоний кадриятларни ўз менталитетимизга мосини ўрганишимиз инсон қарашларига ижобий таъсир қилади. Аммо буларнинг орқасида ўзларини ёрдам кўрсатмоқчи сифатида кўрсатиб ҳақиқий юзларини кўрсатмаган вайронкор ғояга, мафкурага эга бўлган гуруҳлар, ташкилотлар борлиги барчамизга маълум. Айниқса булар диний ташкилотлар сифатида кўплаб намоён бўлмоқда. Диний ақидапарастлик, экстремизм, терроризм вакиллари

бутун дунё бўйлаб ёшларнинг онгини захарлаб, маънавиятини бузиб, бузғунчи ёт ғояларга уларни ишонтириб мустақиллигимизни кўра олмасдан турли хил кўпоровчилик, вайронкорлик қилиш каби қабих ишларга ундаши ҳам глобаллашувнинг намоён бўлишини бир кўринишидир. Глобаллашувнинг чегара танламаслиги, бу унинг ниятларини амалга ошириш учун жуда осон йўлдир. Бу ташкилотларнинг турли жойларда, хоҳлаган вақтда кўпоровчилик, ёки шунга ўхшаш нарсаларни қилишида жуда ҳам кўл келяпти. Буларнинг барчасига динни нотўғри тушуниш, уни якка шахс ёки битта гуруҳнинг манфаатини кўзлаган ҳолда тарғиб қилиниши орқали эришилмоқда. Республикамизнинг мустақилликга эришганидан сўнг, яъни, ўтиш даврида бу каби ташкилотларнинг етакчилари учун бу давр одамларни ўзларига оғдириб олиш учун жуда ҳам қулай фурсат бўлди. Барчамизга маълумки Фарғона, Андижонда бўлиб ўтган воқеа ходисалар худди юқоридаги фикрга мисол бўла олади. Бундай гуруҳлар ўз – ўзидан шаклланиб қолмади. Айниқса уларнинг намоён бўлиши ёш болаларни масжидларда, уйларда, ҳаттоки кўчаларда бунга ундаши билан бошланди. Шубҳасиз ҳали тўла – тўқис вояга етмаган ёш авлодни тўғри йўлдан оғдириш мушкул иш эмас. Буларнинг оқибати эса ёшларни жуда ҳам ёмон йўл тамонга бошлаб кетди. Уларнинг фикрини, дунёқарашини вайронкор, бузғунчи ёт ғоялар билан тўлдиришди, янада аниқрок айтадиган бўлсак улардан тирик қалқон сифатида фойдаланишди. Ташкилот етакчилари ёшларни ҳар томонлама кўллаб – қувватлаб туришди, натижада эса моддий эҳтиёжларини қондириш учун уларга эргашганлар сони кўпайди. Инсонлар онгига бу дунё ёлғон, тўғри, адолатли, ҳақиқий дунё ўлгандан кейин бошланади қабилидаги ақлга сиғмайдиган ғоялар билан таъсир қила бошлашди. Бора – бора эса, улар аҳоли кўп жойларда, бозорларда, катта конференцияларда қуролли тўқнашувлар қилишгани, ўзларини – ўзлари портлатиб юборишгани каби кўпоровчилик ишларини амалга ошира бошлади. Буларни вақтида англаб,

юртимизда уларга қарши профилактика ишларини олиб борилгани, ҳар бир оилада, маҳаллада, умуман жамиятимизни шаклланишида бундай ёт ғояларга берилмасдан, ўз танлаган йўлимиздан оғишмай ҳаракат қилдик. Шунинг учун ҳам одамлар ҳар – бир нарсага маъсулият билан аҳамият берса, ёки, “огоҳлик – давр талаби” каби шиорларга амал қилган ҳолда яшаса глобаллашувнинг салбий намоён бўлиш хусусиятларини олдини олиши мумкин бўлади. Юқоридагиларга ўхшаган ҳолда глобаллашувнинг экологик намоён бўлиш хусусиятлари ҳам хавфлилиги нуқтаи назаридан улардан қолишмайди. Атроф – муҳит билан боғлиқ бўлган бу муаммо жаҳоннинг барча жойларида аллақачон долзарб масалага айланиб бўлди. Экологик хавфсизлик муаммоси бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланди. Табиат, жамият ва инсон бир бирига чамбарчас боғлиқдир. Кўплаб одамлар табиат қонун қоидаларига бўйсунмасдан уни нобуд қилишган ва қилишмоқда. Бу табиатнинг йўқолиши, атроф – муҳитни ифлосланиши каби муоммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари таркибида зарарли оксидлар бўлган тузли ёмғирларни ёғиши ва унинг оқибатида ҳар – хил касалликларнинг пайдо бўлиши ҳам глобалл экологик муоммолардир. Ривожланган мамлакатлар ёки йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари ҳам қайсидир маънода экологияга зарар етказмоқда. Шу жумладан табиат, экологиянинг бузилишида авваламбор инсоннинг ҳаракатлари, яъни истиқомат қилаётган жойини ривожлантириш борасида қилаётган ишлари сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий глобаллашувнинг намоён бўлиши яна иқтисодий муносабатларда кўринади. “Иқтисодий муаммоларни инсон қизиқиши, интилиши ва манфаатларини инобатга олмай туриб ҳал қилиб бўлмайди”¹⁵. Кўриниб турибдики барча ҳолатлар, аввало, инсоннинг ўзи билан, яъни, ички

¹⁵ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Муҳаррир, 2009. - Б. 24.

дунёси, яшаш шароити, дунёкараши, тафаккури билан боғлиқ ҳолда амалга ошаркан.

Маънавий, иқтисодий, ижтимоий вазиятларда келишмовчилик келиб чиқишига бемалол жаҳондаги айрим ривожланган мамлакатларнинг сиёсий ҳатти – ҳаракатларини сабаб қилиб кўрсатса асло муболаға қилмаган бўламиз. Сиёсий глобаллашувни кўплаб давлатларнинг интеграциялашувида кўришимиз мумкин. Тўғри минтақалар интеграциялашуви ҳам юзага келмоқда, лекин бу вазият кўпроқ бугунги кунда давлатлар орасида амалга ошмоқда. Минтақавий бирлашув фақат ўша минтақа ҳолатлари бўйича иш кўриши мумкин, лекин бора – бора бундай бирлашмалар барча миллатларнинг муаммосини ҳал қила оладиган даражага кўтарилиб бормоқда. Европа иттифоқи глобаллашув шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил топган десак хато қилмаймиз. Бу жараённинг муҳимлигини унинг аъзолари 27 давлатни ташкил қилишидан кўришимиз мумкин. Албатта бундай бирлашмани сақлаш, унда фаолият олиб бориш ўз – ўзича кечадиган жараён эмас. Ҳар бирининг ўзини тили, маданияти каби нарсалар билан фарқ қилишига қарамасдан мана кўплаб йиллардан буён бу иттифоқ фаолият олиб келмоқда. Бунда вазиятни сақлашда энг биринчи навбатда сиёсий ҳаракатлар, иқтисодий келишувлар муҳим саналади. Юқоридаги ташкилот каби Африкада бир неча ўн йил давомида мавжуд бўлган Африка Бирлиги Ташкилоти ўрнида энди Африка Иттифоқи деб номланган ташкилот тузганликларини эълон қилишди. Уларда ҳам Африка ривожланиш банкини, юқоридаги ташкилот сингари ягона валюта жамғармасини, Панафрика парламентини тузиш истиқболдаги вазифа сифатида белгиланди. Африка давлатларининг ушбу иттифоқ томонидан доимо кузатилиши, иқтисодий , ижтимоий, сиёсий вазиятларда ёрдам бериш каби нарсалар олиб борилиши кўзда тутилган. Бундай ташкилотларга яна Жанубий – шарқий осие ассосациясини, ёки, Лотин Америкаси иқтисодий системаси каби

ташкiлотларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари давлатларнинг кўплаб функциялари халқаро ташкiлотлар, бирлашмалар ихтиёрига ўтиб бoрyтганини ҳам бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Оддий БМТ бугунги кунда юқоридаги фикримизни исботлайди. Унинг таркибида Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкiлоти, Халқаро суд кабиларнинг фаолият олиб бoраётгани глобал характерга эга десак бўлади. Бу ташкiлотлар давлатларнинг, уларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг эркинлигини, озодлигини, ҳақ – ҳуқуқларини, соғлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Сиёсий глобаллашувда оммавий ахборот воситаларининг ҳам аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ҳар бир давлатнинг жамиятида бўлаётган ўзгаришлар, воқеа – ҳодисаларни тарқалиши, қолаверса бундай жараёнга ОАВ орқали бeрилаётган жавоблар, уларнинг муҳокамалари ва ҳамма – ҳаммасини кенг халқ оммасига тарқалиши уларнинг кундан – кунга оммалашига асос бўлмоқда. XXI асрда ОАВ глобаллашмоқда, оддий газета ва журналларнинг яратилиши кўплаб маълумотларни тез оммага тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бу фақат салбий жиҳатга эга демоқчимасмиз. Лекин, шундай хабарлар чиқмоқдаки улар фақат уйдирма бўлади, бу газетани бошқа газетага нисбатан кўпроқ оммалашига, сотилишига осон бўлмоқда, шу билан бирга кимнингдир ҳаётини бу уйдирма орқали бузиб юбораётгани бор гап. Глобаллашув давридаги ахборот таҳдидлари деб ахборот неокolonизми, ахборот экспантацияси, диний миссионерлик, лингвистик бозор кабиларни бемалол санашимиз мумкин. Албатта буларнинг бари сиёсатчилар учун жуда ҳам қўл келадиган нарсалардир. Айниқса давлатларнинг геосиёсий таъсирида бу жуда катта ўринга кўтарилган. Кучли, ривожланган давлатлар тараққий топмаган давлатларни сиёсий, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан қўлга киритмоқда, янада мукамал жавоб бeрадиган бўлсак, бу эски мустамлакачиликнинг янги кўринишидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамиятнинг барча соҳасида бўлаётган ҳар қандай ижобий, салбий нарсалар ахборот технологиялари орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига айланиб бормоқда. Айни пайтда, оммавий ахборот воситалари дунёда мафкуравий кураш майдонига айланиб, турли халқлар турмуш тарзига, онгига, эътиқодига, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод дунёқарашининг шаклланишига, ҳаётий мақсад, хатти - ҳаракатларига таъсир кўрсатувчи асосий омилга айланмоқда. Бугунги кунда дунё бўйлаб ўз манфаатларини кенг ёйишнинг энг мақбул усули - ахборот хуружлари бўлса, энг самарали восита - ахборот тизимлари ва воситалари ҳисобланади. Ахборот хуружларининг тез - тез уюштирилаётгани аслида “уруш”га муносабатни ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Турли куч ва марказлар томонидан ўз манфаатлари доирасини кенгайтириш мақсадида ҳарбий техника эмас, ахборот билан қуролланган хуружларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотнинг асл мақсади - инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган.

Шахс, жамият, давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдиди энг катта хавф солмоқда. Бу каби таҳдидлар давлат сиёсатини тўлиқ таъминлашга халақит бермоқда. Нимага деганда жамиятга қаратилган таҳдид бутун бир мамлакатни, миллатни, халқни тинчлигини йўққа чиқариши мумкин. Яқин 10 йил ичида давлатларни сиёсий вазиятларини кўздан кечирадиган бўлсак, бундай ҳолатлар сиёсий беқарорлик келиб чиқишида намоён бўлмоқда. Бунда албатта фуқароларнинг ўзлари сабабчидир, чунки четдан кириб келаётган ҳар қандай хабарни тўғридан – тўғри, ёки, тушунмасдан қабул қилиш, унга эргашиш нотўғрилигини англамаганликлари эвазига булар содир бўлади.

Воҳаланки, бунинг оқибатида кўплаб бегуноҳ одамлар оламдан кўз юмади. Бу каби ахборот таҳдидлари жиддий талофатларга олиб келганини бошқа мисоллар орқали ҳам тасдиқлаш мумкин. Кўришиб турибдики, ўз мустақиллигини, чегаралар хавфсизлигини тامينломоқчи бўлган, яъни, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишни истаган давлатлар энг аввало ўз коммуникация тизимлари фаолиятини, бутунлигини, уларни хавфсизлигини таъминлаб қўйиши даркор экан. Ҳар бир давлат буларни ўзи мустақил амалга ошириши керак, агарда бегона давлат бунга аралашса бу ахборот урушига олиб келиши мумкин “Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бир бирига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирларга айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот уруши деб янада рақиб устидан ахборий хукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг харбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган табдирлар ва операциялар мажмуасига айтилади”¹⁶. Кўришиб турибдики, ҳозирги кунда шаклланиб бораётган барча баркамол авлод ўз маънавиятини, аждодлар қолдирган маданий меросларини қадрласа, келажак авлодга етказиб бера олса, менталитетимизга мос равишда ҳатти – ҳаракат қилса, сиёсий, ижтимоий онгини замонга мос ҳолда юксалтирса, юқоридаги каби ёт ғояларга чалғимасдан интилишда давом этса ҳар қандай таҳдидларни глобаллашув даврида енгиб ўтишимиз мумкин бўлади. Биз глобаллашувнинг намаён бўлишини фақатгина салбий нарсалардан иборат демоқчимасмиз, чунки, глобаллашув даврида кўплаб нарсалар тараққий топмоқда, бу давлатларнинг уни тўғри англаб етишига боғлиқ бўлмоқда, бундан ташқари бутун жаҳон халқлари, миллатлари иложи борича, қўлдан

¹⁶ Манойло А. В. Петренко А. И. Фролов Д. Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. М.: Горячая линия – Телеком. 2006. - Б. 203.

келганча ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишга интилишмоқда, ривожланмаган давлатлар ривожланган давлатлардан сиёсий, таълим тизимида бир қанча янгиликларни ўрганган ҳолда ўзларининг жамиятини тараққиёти учун жорий қилишмоқда. Иқтисодий бирлашмалар, молиявий кўмак беришлар, фуқаро аҳоли ёмон бўлган чекка – чекка жойларда бир қанча ташкилотларнинг бепул уларга кўрсатаётган тиббий ёрдамлари каби кўплаб хусусиятлар глобаллашувнинг ижобий намоён бўлишига бемалол мисол бўла олади.

Сирасини айтганда, глобаллашувнинг намоён бўлиш жараёнларини илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш учун уларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғояларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш каби алоҳида аҳамиятга эга вазифаларни самарали бажариш объектив заруриятдир.

1.2. “Ижтимоий тармоқлар” ва “Ўзбек миллий маданияти”

тушунчаларининг мазмуни

Бугунги кунда дунё турли соҳаларда ўзгариб, шиддат билан ривожланиб бормоқда. Илм олиш, касб-кор билан шуғулланиш инсонларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашинувида ҳам янгидан янги ўзгаришлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ахборот технологиялари жамият тарраққиётининг турли соҳаларига жадал кириб бормоқда ва уларни ривожлантириш учун хизмат қилмоқда. Бундай технологияларнинг таъсири одамларнинг турмуш тарзи, таълими ва ишида ўз натижасини кўрсатмоқда. Ижтимоий тармоқлар жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши учун муҳим омилга айланди. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, уни иқтисодиёт ва ҳаётнинг барча соҳаларига ялпи жорий этиш ва ундан фойдаланиш, замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникациялар, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини иложи борида тўлиқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кўшилиш учун қулай шароитлар яратиш, ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳозирги жамият тарраққиётининг устувор йўналишларидандир. Дарҳақиқат, XXI аср техника асри деб бежизга номланмаган. Бугунда оммалашиб бораётган “Дунё ўргимчак тўри” деб ном олган технологияларнинг яратувчилари ва фойдаланувчилар сонининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Интернет пайдо бўлиши билан исталган ахборотни замон ва маконга боғлиқ бўлмаган ҳолда олиш имконияти яратилди. Сир эмаски, интернет тармоғида ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларга оид янгиликлар, машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар ва илм-фанга доир ўзгариш ва кашфиётлар ўрин олган. Интернет бутун ҳаётимизга жадаллик билан кириб келмоқда. Шаҳримиз кўчаларини кезар эканмиз, ҳар қадамда “Интернет кафе” деб ном олган марказларга кўзимиз тушади. Хўш, бугунги ёшларимиз интернет орқали

нималар билан шуғулланишмоқда? Тўғри, интернет саноксиз афзалликлар билан бир қаторда салбий жиҳатларга ҳам эга эканлигини эътироф этиш муҳим. Мазкур воситалар ёшларни ўзига оҳанрабодек тортаётгани сабабли, “интернет авлоди”, “гугл болалари” ёки “фэйсбук фарзандлари”, “чатчилар”, “Однотчилар” сингари иборалар пайдо бўлди. Бу ҳол ўғил-қизларимиз тарбияси бировларнинг кўлига ўтиб қолиши эҳтимолини оширади. Чунки уларга ота-онадан кўра интернет ёки уяли телефон кўпроқ “тарбия” бера бошлайди. Айтиш мумкинки, бугунги авлод фақат таълим муассасаларида берилаётган билим, малака ва кўникмалар билан чекланмаяпти. Ахборот асрида, информация манбалари кўпайган бир даврда буни табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Айниқса, инсон онги учун глобал миқёсда кечаётган курашлар, ахборот хуружлари, “оммавий маданият” тарғиботи бизни янада сергак торттиради.

Интернет, уяли телефон, ижтимоий тармоқ орқали мулоқот ва ахборот алмашинувга хизмат қилувчи FACEBOOK, TWITTER, VIBER, TELEGRAM, ОДНОКЛАСНИКИ каби дастурлар шулар жумласидандир. Илм-фаннинг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узоғини яқин, мушқулини осон қилаётгани шубҳасиз. Шунингдек, kun.uz, qalampir.uz, darvo.uz ва шу қатордаги бошқа сайтлар эса Ўзбекистон ва жаҳон кундалик янгиликларини ёритиб борадилар. Бу кашфиётлар олис масофадан туриб илм олиш, дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини ҳам беради. Бироқ, кейинги йилларда баъзи тармоқларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган жиҳатлари ҳам кўзга ташланаётгани кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Чунки, келажакимиз пойдевори бўлган ёшларнинг соатлаб бу тармоқларда мақсадсиз ўтириши илм олиш, касб-хунар эгаллаш ва бошқа хайрли ишларга сарфланиши керак бўлган гулдек умрининг беҳуда ва бесамар кетишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган маълумотларнинг катта қисмини ёшлар маънавиятининг тубанлашувига туртки бўлувчи, миллий

ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, урф-одатлар ташкил этади. Бу эса, Интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа замонавий телекоммуникация ютуқларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш, уларнинг имкониятларидан оқилона истифода этиш, муайян одоб-ахлоқ қоидаларга амал қилиш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, кўпни кўрган ота-боболаримиз ўғитларида, шунингдек, муқаддас ислом дини кўрсатмаларида ҳам инсонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати одоб-ахлоқ тамойилларига асосланмоғи зарур экани таъкидланган. Ҳаттоки, илм олиш ҳам одоб-ахлоқ асосида бўлмас экан, олинган илмнинг жамиятга фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда эса, миллий ва диний қадриятларимиз асосида шаклланган одоб-ахлоққа амал қилиш сув ва ҳаводек зарур қоида эканини бугун ҳар бир соғлом фикрли инсон тушуниб етди.

Хўш, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда нималарга эътибор қаратмоқ зарур? Энг аввало, Интернет ва ижтимоий тармоқларга киришдан олдин аниқ мақсадни белгилаб олиш керак. Чунки, бу тармоқларга мақсадсиз кириш турли сайтлар доирасида олтинга тенг вақтни беҳуда сарфланишига сабаб бўлади. Вақтни беҳуда сарфлаш эса, умрнинг бир қисмини бекорчи ва манфаатсиз ишлар билан ўтказиш демакдир. Ҳар бир инсон ўзига берилган умр неъматини қандай ўтказгани ва нималарга сарфлагани ҳақида бир кун сўралишини унутмаслик лозим. Бу ҳақида ҳадисларда ҳам муҳим кўрсатмалар келган бўлиб, унда айтилишича, «Банда қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунча, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди. Бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қайси касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади», (Баззор ва Табароний ривояти).

Виртуал оламда инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими бузилади, ижтимоий фаоллиги камаяди. Компьютер қаршисида вақт ўтганини сезмай

қолишнинг боиси ҳам шунда. Виртуал воситаларнинг салбий таъсири маънавий-ахлоқий таназзул билан чегараланиб қолмай, инсоннинг иммун тизимининг сусайтириши, умуртқа поғонаси ва кўз касалликларига сабаб бўлишини замонавий тиб илми ҳам тасдиқламоқда. Демак, виртуал олам, яъни Интернет ва ижтимоий тармоқларга муккасидан кетган ҳолда берилиб кетиш, тунни кунга улаб вақт ўтказиш нафақат вақтнинг беҳуда исроф бўлишига, балки тана аъзоларининг нормал фаолиятига ҳам кескин салбий таъсири борлигини ҳисобга олиш даркор.

Бугун Интернет хабар ва маълумотларни тарқатишнинг энг қулай воситасига айланиб улгурди. Лекин тарқатилаётган хабарларнинг ҳаммасини ҳам ишончли деб бўлмайди. Шунинг учун Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали олинаётган хабарларга мутлақ ҳақиқат деб қарамаслик улардан фойдаланишнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки, бегона ва нотайин одам у ёқда турсин, ҳатто таниқли ва ишончга сазовор инсоннинг сўзларини ҳам текширмасдан, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўрона қабул қилиш оқил кишининг иши эмас.

Бу ҳақида Қуръони каримнинг “Ҳужурот” сурасида шундай дейилади: **“Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!”** (6-оят). Бундан кўринадики, мазкур тамоқлардан олинаётган хабарларга текшириб кўрмай ишониш ва бошқаларга тарқатиш ислом дини кўрсатмаларига ҳам хилоф саналади. Бу борада Қуръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда ҳам турли воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўрона эргашишдан қайтарилади: (Эй, инсон!) **Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг хар бири тўғрисида (хар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)** (Исро, 36).

Демак, инсон Интернет ва ижтимоий тармоқларда кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда ўртага ташланадиган фикр-мулоҳазаларни билдиришдан олдин чуқур ўйлаб, “етти ўлчаб бир кесмоқ” керак бўлади. Чунки, ижтимоий тармоқнинг иккинчи томонида туриб мулоқот қилаётган шахс ҳам инсон, компьютер эмас, унинг ҳам қалби бор. Ижтимоий тармоқ орқали билдириладиган фикримиз ўзгаларга озор етказиб қўйиши ёки иззат-нафсига тегиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик зарур.

Шунингдек, тарқатиладиган хабарлар ишончли бўлишидан ташқари ўша маълумотни бошқалар билан “баҳам кўриш”дан олдин ўзгаларга тарқатишдан бирор манфаат ва фойда бор ёки йўқ эканини мулоҳаза қилмоқ керак. Бу ўринда ғазал мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг «Оқил чин сўздан ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демас оқил иши эмас», дейилган ҳикматини унутмаслик лозим. Акс ҳолда, кимгадир яхшилик қиламан деб инсонлар орасида турли фитна ва ёмонликларнинг тарқалишига тurtки бўлиш эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, одамлар ўртасида беҳуда ва лағв гапларни тарқатиш, ўзагаларни обрўсизлантириш учун ҳаракат қилиш динимизда қаттиқ қораланган амаллардан саналади. Бу ҳақида Пайғамбаримиздан ҳам кўплаб ҳадислар етиб келган. Жумладан, Расулulloҳ алайҳис-салом: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга хиёнат қилмайди, ёлғон сўзламайди ва уни хўрламайди. Ҳар бир мусулмонни бошқа мусулмоннинг обрўси, моли ва қонига (тажовуз қилмоғи) ҳаромдир. Тақво бу ерда (яъни, қалбда)дир. Киши мусулмон биродарини паст санамоғи унинг ёмонлигига кифоя қилади», дедилар. (Имом Термизий ривояти). Яна бир ҳадисда эса, Муҳаммад алайҳис-салом: «Кишининг эшитган ҳар гапини гапиравериши ёлғончилигига кифоя қилади», деганлар. (Имом Муслим ривояти). Демак, инсон ижтимоий тармоқлар ёки Интернетда ўқиган ҳар қандай ходиса ҳақидаги хабарни ўрганмай-текширмай, ўзгалар учун фойда зарари

борлигини ҳисобга олмай гапириб юриши ёки бошқаларга тарқатиши ислом дини кўрсатмалари асосида қораланган амаллар сирасига кирар экан.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқ орқали етиб келган хабар кимнингдир айби ёки камчилигини очишга қаратилган бўлса, у хабарни маълумот учун сақлаб қўйиш ёки ўзгаларга ҳам камчиликни ошкор қилиш ўрнига ўша маълумот ўчириб ташлаш мақсадга мувофиқ. Афсуски, ҳозирда бирор кимсанинг озгина айби, камчилиги зоҳир бўлиб қолса, уни яшириш ўрнига бошқа камчиликларини ҳам қидириш одатга айланиб борапти. Ўзгаларнинг айбини қидириш ўрнига, уларни ёпиб, кенг оммага ошкор бўлишининг олдини олиш Яратганнинг улкан ажрига сазовор бўлишига сабаб бўлади.

Ижтимоий тармоқдан фойдаланиш одобларининг яна бир муҳим қоидаси шуки, киши виртуал тармоқларда ҳам ўзини реал ҳаётдагидек ёки унданда яхшироқ тутмоғи, суҳбатдошлари билан гўзал муомалада бўлмоғи лозим. Чунки, ҳар бир ишда муомаланинг чиройли қилиш, виртуал оламдаги дўстларга ҳам мулойимлик билан муносабатда бўлиш ҳам одобдан саналади.

Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ўзига-ўзи назоратчи бўлмоғи лозим. Чунки, Интернет шундай мулоқот муҳитики, унда ижтимоий назорат ҳам, ён-атрофдагиларнинг назорати ҳам йўқ. Бунинг устига ҳозирда Интернет тармоғидаги кўплаб саҳифаларга фойдаланувчини асл мақсадидан чалғитишга мўлжалланган спам шаклидаги турли беҳаё суратлар, видеоролик рекламаларининг жойлаштирилиши одатий ҳолга айланиб қолди. Бундай шароитда ўзини-ўзи назорат қила олмайдиган, иродаси суст ёшлар виртуал тармоқдаги беҳуда ва бешарм саҳифаларга чалғиб кетиш эҳтимоли каттадир. Шунингдек, Интернет орқали нотаниш суҳбатдош билан мулоқотда бўлаётган ёшлар тақиқланган мавзулардан гап очиш, ҳиссий, эҳтиросли суҳбатга берилиб кетиш хавфи бор. Бу эса, ёшлар ўртасида турли беҳаёлик, бузуқчилик каби кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундай вазиятда ёши улуг, кўпни кўрган мўйсафидлар, устоз ва мураббийлар ҳамда ота-оналардан улкан матонат ва фарзандлар тарбияси учун жонкуярлик талаб этилади. Чунки, ёшларни ҳеч қачон Интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа замонавий телекоммуникация воситаларидан бутунлай чеклаб бўлмайди. Ўз навбатида бундай қилиш салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига ёшларни замонавий телекоммуникация воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш, одоб-ахлоқ ва хавфсизлик қоидаларига амал қилишга ундаш лозим. чунки, қадимдан ўзбек халқи илм-фан ва одоб-ахлоқда бутун оламга ўрнак ва намуна бўлиб келган.

Шу билан бирга, аждодларимиз одоб-ахлоқ, илм-фан билан боғлиқ ютуқларни юксак қадрлаб, авлоддан авлодга етиб боришига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Шундай экан Интернет ва ижтимоий тармоқдан фойдаланишда ҳам аждодлар ўғитлари ва динимиз кўрсатмаларига амал қилиб иш олиб борсак, албатта, замонавий илм-фан ютуқларини тараққиёт учун ва юрт ободлиги ва фаровонлиги учун йўналтира олган бўламиз.

Ҳозирги кунда фирибгарлар, ахлоқсизлар учун Интернет эркин майдон вазифасини ўтамоқда. Терроризм, порнография, турли иллатларнинг урчиши, текширилмаган ҳар қандай ахборотлар оқими мана шу кўринмас “тўр” лар орқали кўпаймоқда. Онлайн ўйинлар ва “чат” хоналар ёшлар онгини эгаллаб олиб, вақтларини бекорчиликка кетказмоқда. Лекин интернетнинг турган битгани бу эмас-ку. Унинг имкониятлари адоқсиз бўлган бир пайтда кўпчилик фойдаланувчиларимиз интернетни ёқишни билади холос, унинг яна қандай имкониятлари борлигини билмайдилар.Чексиз қулайлик ва афзаллик томонларини тушунмаган ҳолда уни биргина “чат”дангина иборат деб тушунадилар. Улар учун бошқа қизиқ дунё йўқдек гўё. Биз интернет кафеларини тўлдириб ўтирган “чат бекорчилари”ни кўрамизу, “интернет-ёшлар учун танишув майдони, бу уларни бузади”, деб осонгина хулоса чиқариб қўя

коламиз. Аммо интернетга фақат салбий жиҳатдан бир ёклама баҳо бериш бутунлай нотўғри тушунчадир.

Шу ўринда битирув малакавий ишимизнинг мазкур параграфида ўзбек миллий маданияти феноменига имконият даражасида ойдинлик киритиб кетишни мақсад қилиб олдик. Шўролар даврида маданият ҳукмрон мафкура, мустабид тузум тазйиқида Ғарб маданиятига тақлидан ривожланди. Иккинчидан, миллий маданиятнинг бой ўтмиши бир ёклама ўрганилиб, унинг кўпгина бебаҳо дурдоналаридан халқимиз бебаҳра бўлиб келди. Аммо ҳар қандай тўсиқларга қарамай маданият соҳасида Ўзбекистонда бир мунча ютуқлар қўлга киритилди. Мустақиллик ва мустабид тузум даврида маданиятимиз катта зарар кўрди. Айниқса коммунистик мафкура маддоҳлари халқимиз маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар. Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Мустақиллик даврида миллий адабиёт, санъат, театр ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди. Зеро, юксак маънавиятли жамият қуриш ва жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш кўп жиҳатдан маънавий маданиятнинг тараққиёти ва мустақамланишига боғлиқдир.

Ўзбек миллий маданияти деганда, - асрлар давомида ўзбек халқи ва миллатининг турмуши, оилавий муносабатлари, анъаналари асосида юзага келган феъл-атвори, маданияти, инсоний муносабатлардаги ижтимоий- (психологик) руҳий ҳолатлар асосида шаклланган ва ўзаро ҳурмат, андиша, меҳр-оқибат асосида такомиллашиб борадиган жамоавийлик туйғуси, кишилараро мулоқот ва муносабатлардаги муроса ва меъёр билан урф одат ва анъаналарга суғорилган муштараклик тушунилади.

Хўш, ўзбек миллий маданияти қай тарзда намоён бўлади? Муомилла маданияти, халқ оғзаки ижоди маданияти, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар,

кийиниш маданияти, муסיқа санъатида, ҳунармандчиликда, кино санъатида, таъсвирий санъатда намоён бўлаверди дейиш мумкин.

Манбаларнинг далолат беришича, ўзбек миллий маданияти шаклланиш жараёни қарийб 3,5 минг йиллик тарихга эгадир. Халқимиз инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналари билан бойитиш асносида ўзининг “мен”лигини англаш ўз эрки қадр-қимматини сақлаш, кишилар олдидаги масъулиятини давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеи, фуқаролик бурчини ҳис этишни ҳам юксак намуналарини кўрсата олган. Менталитетдаги ана шундай фазилатларни шаклланишига халқимизни ўзга халқлар билан яқин қўшничилик муносабатлари, қолаверса, тарихдаги босқинлар, истилолар таъсирида этнослараро муносабатлардаги ассимиляция жараёни ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи тарихан 4 суперэтнос (туркий, форсий, рус-славян) ва кўплаб этник бирикмалар билан уйғунлашган ҳолда таркиб топгандир. Айни чоғда халқимиз маънавияти 4 суперконфессия (зардуштийлик, будда, ислом, коммунистик мафкура) диний-мафкуравий таъсир доирасида шаклланган.

Халқимиз менталитетида, феъл-атвор тизимида ана шу халқларнинг табиати ва мафкуравий таъсирлари бўртиб намоён бўлиб туради. Ўзбек халқи умумтуркий негиздан жанговарлик, кенг бағрикенглик хотамтойлик, садоқат фазилатларини ўзлаштирган бўлса, форсий этнос таъсирида урф-одатларга мустаҳкамлик, ижодиётга муҳаббат, инсонни эъзозлаш хислатлари; араблар таъсирида эътиқодда қатъийлик, тўғрисиўзлик, аҳдга содиқлик хусусиятлари; руслар таъсирида эса янгиликка ўчлик, ҳокимиятга ҳурмат, расмий уюшувларга рағбат сингари хислатлар янада ривож топди¹⁷.

¹⁷ Қаранг: Ўзбекистонда маънавият, маърифат фан ва жамоатчилик фикри (илмий-амалий семинар маълумотлари). Тошкент. 2001. - 109-110 б.

Қисқаси, ўзбек халқи турмуш тарзининг асосий хусусиятлари, шарқ халқларига хос бўлган руҳий-психологик ҳаёт тарзини ўзида мужассамлаштирган. Зеро, шарқона турмуш тарзининг ўзи ниҳоятда эъзозли бўлиб, унга кишилардаги қаноат ва шукроналик, сермулоҳазалик ва андиша, она табиат билан яқинлик, инсонийликка хос садоқат, кадр-қиммат, ор-номус каби олижаноб (ҳис-туйғулар) хислату фазилатлар киради. Маданий меросдан оқилона, ижодий фойдаланиш ўзбек миллий маданияти тикланиши ва ривожланишининг муҳим шартидир. Ҳозирги босқичда бу жараён қуйидаги асосий мезонлар асосида амалга оширилмоқда.

- халқимиз, аجدодларимиз яратган, бой маънавий мероснинг асл холларига муурожаат этиш: халқ оғзаки ижоди намуналари, қадимий удум ва анъаналарда, асори – отиқалардан тортиб, қўлёзмалар, хужжатлар, хотиротлар, мактубларгача ўрганиш, элга қайтариш;

- меросга тўлақонли илмий-ижодий, янгича ёндашиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, бир ёқламаликдан ҳолилик;

- умуминсоний қадриятларга молик тарихий обидалар;

- қадриятларни тиклаш, алломалар меросини нашр этиш, уларнинг таваллуд тантаналарини ўтказиш;

- халқаро, миллатларда маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиш, маънавий меросимиз намуналарини хориждан юртга қайтариш, мерос, қадриятлар тарғиботини йўлга қўйишдир.

Ўзбек миллий маданияти ўзга миллатлар маданиятларига, қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданият ёдгорликларига ижобий муносабатда бўлишида, маънавий жиҳатдан ривожланишга кўмаклашади.

Малакавий битирув ишимизнинг кейинги параграфларида ўзбек миллий маданияти тушунчаси ва ижтимоий тармоқларнинг вазифалари таҳлил қилиниб такомиллашиб ойдинлик киритилиб борилаверади.

2.Боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

2.1. Ўзбек миллий маданиятини юксалтиришнинг замонавий омиллари

Ўзбекистан истиқлолга эришгач, миллий-маънавий кадриятларга муносабат ва уни ҳаётга татбиқ этишга эътибор ўзгарди. Миллий маданий мерос асосида идрок этилиб, унинг умуминсоний моҳиятини очиб беришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавият ва маданият тўғрисида янги қарашлар, концепциялар пайдо бўлди. Шунини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратишни лозим, деб ҳисоблаш мумкин.

Биринчидан, маънавият умумбашарий тушунча, ҳар бир мамлакат, халқнинг ўзига хос ва дунё эътироф этган маданияти бўлади. У турли халқлар ҳаётида ўзига хос маъно ва мазмун касб этади.

Иккинчидан, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, аввало, ана шу маънавиятни фуқаролар томонидан қандай англаб олинганига боғлиқ. Маънавиятда шу халқнинг миллий-маданий мероси, кадриятлари, тарихи, сиёсий тажрибаси, сиёсий хулқ-атвор ҳамда кадриятлари мужассам бўлади. Маънавияти юксак халқ яшаётган жамият ёки давлат ҳар жиҳатдан кучли бўлади. Шунинг учун ҳам тарихда халқларни ўз маънавиятидан ажратиб қўйишга уринишлар кўп бўлган.

Шундай қилиб, бир-биридан ажралмайдиган, бири иккинчисини тақозо этадиган ўзбек миллий маданияти ва миллий маънавий кадриятларни мустахкамлаш масалаларига олдимизда турган энг асосий мақсад сифатида қарала бошланди. Миллий мустақиллигимизни мустахкамлаш учун халқимиз қалбига яқин миллий кадриятларга бўлган муносабатни ўзгартириш, яъни

Ўтмиш маънавий- маданий қадриятларимизни рўёбга чиқариш, миллий онгни ўстириш, ноҳақ, жабрланган сиймолар номини юзага чиқариш, анъанавий қадриятларни тиклаш олий мадсад қилиб қўйилди.

Маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, уни янги давр, янги дунёқараш нуқтаи назаридан тараққий топтириш, бу соҳаларда ҳам чуқур ислохотларни амалга ошириш давлатимиз ва жамиятимиз истиқболнинг устувор йўналишларидандир. Албатта, бунда аجدодларимизнинг бу соҳалардаги маънавий мероси жуда аҳамиятлидир. "Халқимизнинг келажаги - деб ёзади Биринчи Президентимиз Ислам Каримов - энг аввало, унинг ўзига, маънавий кудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди"¹⁸.

Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш мумкин.

Мамлакатимизда ўзбек миллий маданиятни юксалтириш учун улуғ мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва адабиётшуносларнинг меросини ўрганишга, тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Истиқлол эълон қилинган 1991 йилнинг сентябрида Тошкент шаҳрининг марказида Алишер Навоий Ҳайкали ва миллий боғ барпо этилди. Ана шу тантанада Биринчи Президентимиз "Навоий руҳи мададкор бўлмай" дея улуғ шоирга халқимиз эҳтиромини намоён этди. Бу аслида хазрат Навоий мисолида буюк маънавий меросимизга, ўтмиш улкан аждодларимиз хотирасига ҳурмат ва улар тафаккури самараларидан баҳраманд булишликка даъват эди.

Кейинги йилларда миллий қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг хоки ётган қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз

¹⁸ И.А.Каримов. "Хавфсизлик ва барқдор тараққиёт йулида". VIТ. -Т., "Ўзбекистон", 1997, 135-6

меросини ўрганиш борасида кўп-кўп ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам узок гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки бу сиз биз буюк келажагимизни тасаввур этолмаймиз, миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз¹⁹.

Шу ўринда мустақиллик солномасидан айрим кўчирмаларни келтирсак: 1992 йилда хурфикр шоиримиз Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги нишонланди, Наманганда музей, боғ ва Байкал барпо этилди. Буюк мутасаввиф Баҳоуддин Накшбанд хазратлари таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. 1993 йилда "Наврўз - умумхалқ байрами" ҳақида қарор, буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида фармон эълон қилинди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган сананинг 510 йиллиги нишонланди. 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинди. Улуғбек таваллуди, Абдулла Кодирийнинг 100 йиллиги тантана қилинди. Уларнинг номлари абадийлаштирилди, асарлари қайта чоп этилди. 1995 йил Ўрта асрлар ўзбек олими - тилшунос, файласуф, шоир Абулқосим аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди ва шу йили улуғ саркарда ва бунёдкор бобомиз шарафига ўтказилган халқаро анжуман ҳамда тантаналар, жойлардаги юзлаб тадбирлар том маънода маънавий меросимизга халқимиз эҳтиромининг бекиёс намунаси бўлиб қолди.

1996 йили аср бошлари миллий тафаккуримиз тарихида из қолдирган қомусий олим, шоир, драматург Абдурауф Фитрат юбилеи бўлиб ўтди. 1997 йили беназир шоиримиз, истибдод тизимининг дурдони Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди. Буюк мусаввир Камолиддин Бегзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. 1998 йили Имом ал-

¹⁹ И.А.Каримов. Биз танланган йул - демократии таракқийёт ва маърифий дунё билан уамкорлик йули. Т.11. -Т.: "Ўзбекистон", 2003, 113-144 б.

Бухорий туғилганининг 1225 йиллиги, улуғ астроном олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик саналари тантана қилинди. Қорақалпоқ шоири Бердақ юбилеи, 1999 йилда эса Алпомиш халқ эпосининг, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди, хоразмлик атоқли шоир, таржимон, тарихчи Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг, қорақалпоқ шоири Ажиниёзнинг таваллуд саналари нишонланди.

2001 йилда Алишер Навоий номи билан юритилувчи вилоятда унинг номига боғ яратилиб, шоирнинг ҳайкали ўрнатилиши, 2016 йили А.Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти институтини жорий қилиниши ҳам маънавиятимиз оламида катта воқеа бўлди. Шунингдек, 2017 йили Биринчи Президент И.А.Каримов номини абадийлаштириш мақсадида Қарши шаҳрида унинг ҳайкалинини ўрнатилганлиги, Тошкент Давлат техника университетига унинг номи берилгани Тошкентдаги Ўзбекистон шоҳ кўчаси И.Каримов номи билан номланганлиги Тошкент шаҳар Оқ сарой қароргоҳида Ислоҳ Каримов номидаги меъмориал мажмуа, Самарқанд вилоятида ҳам Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган унинг мангу оромгоҳида мақбара ёдгорлик очилди. Шунингдек, Андижон вилоятида 14-декабр 2017 йилда Муҳаммад Юсуф номидаги хотира хиёбони очилди. Алишер навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида 2018 йил Адиблар хиёбони ва шу ерда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси ҳам қад ростлади. 2018 йил 8-майда Генерал-майор Собир Раҳимов ҳайкали қайта тикланди. 2018 йил 10-май куни Гулистон шаҳрида хотира хиёбони очилди ва бошқа туркум муассасалар номи ҳам ўзгарганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Юқоридаги далилларнинг ўзиёқ республикамызда халқимиз маънавий меросига муносабат, уни ўрганиш тадқиқ этиш ва авлодларга етказиш масаласи давлатнинг маънавият соҳасидаги устувор сиёсатида айланганини кўрсатиб турибди. Албатта, бундай сиёсатдан бирламчи мақсад халқнинг 130 йиллик истибдод даврида топталган қадру-қимматини, миллий гурурини тиклаш,

Ўзлигини англаш, жаҳонда ўзбек аталмиш тарихи улуғ, маънавияти бой миллат эканини дунёга намойиш этишдир. Биз тилга олган ижтимоий тармоқлар мазкур ўзгаришларнинг тез ва осон дунёнинг ҳар қандай бурчагига етказиб бериб турибди. Бу глобаллашув даврининг меваси интернетнинг хизмати орқали амалга оширилмоқда.

XXI аср замонадош ёшлар ҳаётига сезиларли ўзгаришлар кириб келди. Ўтган аср болалари мактаб, турли тўғараклар ва спорт марказларига чопган ҳамда вақтини шу каби машғулотлар билан мазмунли ўтказган бўлса, бугунги ёшларнинг қизиқиши бошқача. Энди уларнинг кўпчилиги ижтимоий тармоқлар яъни, интернет кафелари, техника воситалари сотиладиган жойлар, компьютер ўйинлари марказларига интилмоқдалар. Улар интернет тармоғига уланиш, янги ахборотларни олиш ва ўзаро дисклар, флешкалар, ахборотларни сақлаш, ташиш воситаларидан имкон борича тез фойдаланишга ҳамда қизиқиши доирасидаги дўстлари билан янгиликларни ўртоқлашишга шошилмоқда. Замонавий технологиялар, бир қанча вазифалар ва қулайликларга эга уяли телефон, интернет, турли мавзулардаги видео-фильмлар туширилган дисклар – ҳозирги ёшларнинг диққат марказида бўлиб қолди.

Маълумки, асрлардирки, ўзбек миллий табиатига жамоавийлик хосдир. У айни чоғда шўролар жамоавийлиги билан ҳеч қандай муштаракликка эга эмас. Агар одамлар, бирдамлик туйғуси билан кўтаринки кайфият туйсалар, тенг ва адолат асосида ўз маблағини умумий ишга кўшсалар, бунда фақат инсоний орномус ва маънавиятнинг юксак даражада намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Жамият ўзбек миллий маданиятини юксалтириш масаласи, жамият маънавиятини янада юксалтириш билан узвий боғлиқ.

Биринчи гуруҳда жамиятнинг ижтимоий-маънавий негизлари билан боғлиқ муаммолари, вазифалари ва бу соҳадаги ислохотлар киради;

Иккинчи гуруҳда ижтимоий-маънавий, шу жумладан, тикланиш ва ривожланишнинг жамиятни ўз-ўзини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоли вазифалари киради. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўрадиган бўлсак:

- биринчидан, миллий-маданий қадриятларга таянган ҳолда халқнинг онгини, дунёқарашини ватанпарварлик, миллий ғурур руҳида ўзгартириш, бойитиш, уни миллий биқиклик ва миллий маҳдудликдан халос этиш, унда миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан бойитишга қаратилган миллий маданиятни тиклаш ва шакллантириш, бунда ижтимоий тармоқларнинг ролини ижобий томондан намоён қила олиш;

- иккинчидан, миллий давлатчиликни тиклаш, миллий манфаатларни тўғри англайдиган ва уларга хизмат қиладиган ватанпарвар, юксак сиёсий маданиятга эга бўлган фуқаролик туйғусини қарор топтириш;

- учинчидан, миллий маданий мероснинг унут бўлган, турли сабабларга кўра халқдан яширилган жиҳатларини тиклаш, улардан халқни баҳраманд этиш, она тили мавқеини янада баланд кўтариш, эътиқод эркинлигини таъминлаш;

- тўртинчидан, мустақиллик талаблари асосида халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, оммавий ахборот воситалари, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш орқали фуқароларни ижтимоий фаолликка ундаш ва ташкил этиш;

- бешинчидан, янги инсонни, эркин фикрловчи, дунёқарашини кенг, зиёга, илм-фанга, гўзалликка интилувчан, айни пайтда ижтимоий масъулликни англаб етган шахсни, унинг ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг негизларини яратиш. Уларни маънавий ҳаётнинг фаол иштирокчиларига айланттириш назарда тутилади.

Ижтимоий тармоқларда ўзбек миллий маданиятини (тарбия маданияти яъни, одоб ахлоқи, кийиниш маданияти, пазандачилиги маданияти, халқ

хунармандчилиги, турли миллий ўйинлар, муомила маданияти, халқ оғзаки ижодиёти, урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни) қай тарзда тарғиб қилинишини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

-кийиниш маданиятида ижтимоий тармоқларда акс этган либослар ўзбек миллатини ўзлигига таъсир қилиши табиий. Чунки бола 5 ёшдан 7 ёшгача ўз менини билиб борса у ўз қўлидаги қўғирчоғини либосига, тузулишига қараб шаклланиб бораверади. Бизда “барби” каби қўғирчоқлар миллий маданиятимизга зид тарздаги кўринишдадир.

-муомала маданиятида баъзи ёшлар ижтимоий тармоқлардаги каби жаргон гаплардан ҳаётда фойдаланаётганлигини кузатишимиз мумкин.

-халқ оғзаки ижодиёти айнан унутилиб кетилаяпти дейолмаймиз. Бу борада янги лойиҳалар доирасида баҳшичилик, турли миллий ўйинлар ҳам ўтказилаётганлигини айтишимиз мумкин. Буни ижтимоий тармоқлар бир зумда ёритиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

-урф-одатлар, анъаналаримиз ва кадриятларимиз албатта тўла қонли сақланиб қолмасада, лекин миллийлик доирасида ва янгича урф олган ҳолда тараннум этилмоқда, бу ҳам биз тилга олган ижтимоий тармоқ сайтларида ўз аксини топмоқда.

-халқ донишмандчилиқ фалсафаси нақл ва ақл, иймон ва илм бирлиги асосида иш юритади, ижтимоий тармоқлардаги материаллар ҳам шуларга таянса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

-тафаккурни ягона қолипга солиб қўйишда, бирор кимсани қарашини айнан ижтимоий тармоқ орақали устувор қилиб қўйиши мумкин.

-миллий анъаналардан йироқлашишда ҳамда Ғарбона хусусиятга кириб қолишда;

- санъат орқали, масалан фильмлар орқали кулгу остида,хатто севгини устидан кулгуга олади.

-ёрқин ранглар, жунбушга келтирувчи куй қўшиқлар, кўнгилочар сайтлар, видеофильмлар, концертлар ва клипларга мўлжалланган сайтларга ёшларни имкон қадар ижтимоий тармоқларга киришга жалб қилади. У ерда хатто стриминг каналларни кўриш мумкин. Яъни, онлайнда эшиттиришлар ёки кўрсатувлар қилаётган гуруҳларни ҳам кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилиги Youtubедан ёки тўғридан тўғри намойишлар кўрсатадиган каналлардан фойдаланиб, ўзларини кўрсатувларини қай тарзда вужудга келгани ва бундай йўлда муваффақиятга эришаётганларини кузатишимиз мумкин;

-бадий дидни асосан ўлдиришга хизмат қилувчи маълумотлар тарқалади тўғрироғи, муқаддас нарса йўқ, у ерда иллат қидиради, энг сўнги салбий янгиликлар тезроқ тарқалади;

Ижтимоий тармоқлар фаолиятини ижобиятга айлантириш керак бўлса мафкуравий иммунитет базасини илм, маънавият, маърифатни мустаҳкамлаш орқали эришиш мумкин. Маънавият ишлатилган сайин тугамайди, бу борада ҳам у ўз вазифасини бажараверади.

Ижтимоий тармоқларда миллий анъана ва инсоннинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ миллий маданиятда ўз халқи миллий қадриятларини бошқа миллат ва халқлар қадриятларига қарши қўймаган ҳолда ва аксинча, бошқа миллат қадриятларини чуқур ҳис қилиш даражасига олиб чиқса миллий маданиятда нафақат миллий-маънавий қадриятлар, балки умумбашарий қадриятлар ҳам ўз ифодасини топади. Миллий муносабатларда дўстона, ўзаро манфаатли иқтисодий ва маънавий мулоқотдан ўзга ният бўлмаса, ана шунда турли миллатларнинг қадриятларини ифодаловчи умумбашарий қадриятлар ўсиб бораверади. Миллий маданият нафақат миллат ва умумбашариятнинг қадриятига айланади. Буни холис баҳолай олиш керак.

Битирув малакавий ишимизнинг иккинчи боби биринчи параграфига юқоридаги фикрларга асосан хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

-мамлакатимизда миллий маънавият негизидаги янги ислохотлар маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлигини таъминланмоқда;

-тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалтиришдаги аҳамияти қайта тикланди ҳамда ривожланиш тамойиллари белгиланди.

Мустақиллигимиз даврида "миллий маънавият" тушунчасига ёндошишимиз ва уни ҳаётга тадбиқ этишимиз тубдан ўзгарди. У миллий ва умуминсоний мезонлар ва қадриятлар асосида идрок этилиб, унинг моҳиятини очиб беришга ва кўрсатишга ҳаракат қилинди. Бу моҳият, аввало, маънавий меросимизга ягона мафкуравий мутеъликлардан воз кечиб, жаҳон тажрибасида кузатилган, илмийлик, холислик тамойиллари асосида ёндашувимиз туфайли англаб етилди. Бу жараён кундан-кунга такомил топиб, ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, миллий маданият ва миллий қадриятлар масаласи Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати даражасидаги муҳим масаладир. Бу йўл республика Президенти ва ҳукумати томонидан мунтазам давом эттирилмоқда. Балки ана шу мунтазам сиёсат натижаси ўлароқ ҳам миллий маънавиятимиз билан боғлиқ ходисалар фақат республикамиз доирасидагина чегараланиб қолмай, умумжаҳон миқёсига кўтарилмоқда. Ва бу бугун битирув малакавий ишимизда ёритилаётган мавзуга оид яъни, ижтимоий тармоқлар тизимидаги сайтлар орқали намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий сайтлари Фуқаролар муурожаатлари халқ қабул хоналаридан тушган таклиф шикоят ва аризаларни рўйхатга олиш махсус комиссия сайти, Facebook Telegram орқали энг сўнгги янгиликлари бериб борилади.

Шунингдек, ўлкамиз ва хориж ҳаётидаги ижтимоий янгиликлар мазмуни kun.uz, Uznews.net, xabar.uz, qalampir.uz, daryo.uz ва бошқа сайт орқали ёритиб борилса, республикамиздаги барча вазирлик ва идора ташкилотларнинг фаолиятларини ёритадиган ўзининг веб сайтлари ишлаб турибди. Ҳозирги кунда онлайн тизими орқали Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясидаги баъзи кўрсатувлар жумладан Ўзбекистон 24, Муносабат, Очиқ мулоқот, Таҳлилнома каби кўрсатувлар ҳамда Президентимизнинг жойларда ўтказиладиган видеоселектор йиғилишлари тўғридан тўғри онлайн тарзда олиб борилмоқда. Бу албатта ижтимоий тармоқларнинг нафақат ўзбек миллий маданиятини балки умуман олганда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолиятимиздаги енгилликни ифодаламоқда. Хусусан, Facebook маълумки, ижтимоий тармоқ сайти сифатида омманинг ва аксар ёшларнинг оддий бир мулоқот қилиш воситаси сифатида яралган, уни яратган америкалик ёшлар ўз олдиларига сиёсий қўзғолонларни эмас, глобал қамровли ўзаро муносабатлар воситасини яратишни мақсад қилишган. Интернет шиддат билан ривожланмоқда, мисол учун 2018 йил май ойининг 1-хафтасида 10 мингга яқин Ўзбекистонлик Facebookга аъзо бўлиб кирганини таъкидлаш мумкин²⁰. Унга аъзо бўлганлар сони масалан, Мисрда бир hafta ичида ўсиш фоизи 6,81 % бўлса, Ўзбекистонда 20,26 % ташкил этган. Ўзбекистон дунёдаги бу сайтдан фойдаланувчилари сони бўйича 143-ўринда туради. Бу кўрсаткич Швецариядан ҳам юқорида фойдаланувчилари сони кўплиги бўйича Швецария эса 168-ўриндадир. Бундан ташқари кўпчилик Ўзбекистонликлар Россиянинг “Мой мир”, “Одноклассники”, “В контакте” каби ижтимоий сайтларига кўпроқ қизиқишади.

Миллий кадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини интернетга киритиб бориш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига

²⁰ Ўзбекистон 24. 2018 йил 12 май сони.

Ўтиш жараёни жадал ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда ёшларнинг ўрни алоҳида. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этар экан, глобаллашув, яъни ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш ва миллий, умуминсоний ғояларимиз сингдирилган манбалар билан фарзандларимизни таъминлаш долзарб вазифаларимиздандир.

Хулоса ўрнида яна шуни таъкидлаш мумкинки, миллий маданият, миллий маънавий қадриятлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқдисодий ҳаётидаги ўзгаришларга ўзининг таъсирини кўрсатади. Миллий-маънавий қадриятларга, меросга таянмаган бўлса миллий маданият ўз моҳиятига зид ҳолатдир.

2.2. Ижтимоий тармоқларда ўзбек миллий маданиятига қарши таҳдидларнинг бартараф этиш йўллари

Маълумки, ҳамма инсоннинг характери турличадир. Кимдир муомалада эркин, бошқа биров реалда фикрини аниқ билдира олмайди, инсонлар билан чиқишиб кетолмайди. Шунда у учун интернет маънавий бошпана сифатида кўмакчи бўлиши мумкин. А.Бегматов²¹ ёзганидек, глобаллашув ўзининг таъсирини барча соҳаларда ўтказмоқда. Бу ўзгаришлар саломлашишдаш тортиб, ўзини тутишгача бўлган соҳаларда кўзга ташланади. XX аср бошида эмас, XX аср 80-йилларида ҳам одамларга яна 15-20 йилдан кейин ўзбек талаба қизлари номаҳрам йигитлар, курсдошлари билан ўпишиб кўришади, десангиз ҳеч ким бунга ишонмасди. Ҳозир эса, олий ўқув юртида ўқиётган қизларнинг 15-20 фоизи курсдош йигитлар билан ўпишиб сўрашмоқда. Мумтоз адабиётда куйланган узун сочлар эса, мала ёки сариқ ранга бўялмоқда. Хўш, буларнинг бари салбий ҳодисалар сифатида баҳоланиши керакми? Консерватив анъаналар нуқтаи назаридан уларни салбий баҳолаш лозим. Лекин, улар ҳақида хулоса чиқаришдан аввал, обдон ўйлаб кўриш керак. Аввало, уларга қайси кадриятлар ва анъаналар нуқтаи назаридан баҳо бериш лозимлигини аниқлаб олишимиз керак.

Кадриятлар, анъаналар ва маросимлардаги ўзгаришлар тарбиядаги ўзгаришлар натижаси. Тарбия деганда, фақат, расмий муассасаларда, ўқув юртларида бериладиган тарбияни тушинмаслик керак, кўча ҳам тарбиялайди. Кўпчилик ёшлар ихлосманд бўлган, аммо мантикий жихатдан ўта саёз тутруксиз бир ашуллада айтилган, «Давай чиқамиз кўчаларга, кўча кўп нарсани ўргатади бизларга», деган фикрда ҳам, аччиқ бўлсада муайян маънода ҳақиқат борга ўхшайди. Чунки айрим ёшларга мактаб ва ўқув юртларида бериладиган

²¹ Бегматов А. Глобаллашув миллий анъаналар ва ёшлар тарбияси. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2004. – 74 б.

тарбиядан кўра, кўча кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Бундан ташқари, телевидениеда кўрсатилаётган сериаллар, хорижий дастур ва фильмларнинг тарбиявий таъсири кўпинча мактаб, ўқув юртлари ва оилада берилаётган тарбияга зид. Хўш, уларнинг қайси бири тўғри? Бу саволга жавоб беришдан олдин ҳам чуқур мулоҳаза юритиш, обдон ўйлаш лозим.

Дарҳақиқат, бугун аҳоли гавжум ҳудуднинг бирон-бир бурчагида туриб олиб, атрофга разм солсангиз, турли, бир-бирига асло ўхшамаган манзараларни кўрасиз. Бу манзараларнинг қаҳрамони ёшлар бўлади. Улардан бирлари бурнига зирак таққан бўлса, бошқаси лабига ниманидир илганига кўзимиз тушади. қулоғига зирак (замонавий тилда уни «пирсинг» деб аташади) таққан йигитларни кўриб эса ҳайратингиз янада ошади ёки бу йигит қиз бола бўлиб туғилмаганлиги учун афсусланаётганини ошкор қилмоқчими дейсиз.

Бу ҳолни кўриб, турли ҳолатларга тушишимиз бор гап ... эҳтимол, бирор жойни тешиб, зирак таққан киши бундан завқланар, унга шундай юриш жуда ёқар... Бироқ бундай кўриниш ўзбек йигити, ўзбек қизи учун ёт бўлмоғи керак эмасми? Аксарият мамлакатларда, хусусан Россия федерациясида пирсинг тақиш 18 ёшга тўлмаганлар учун ман этилган. Маълум бўлишича пирсинг тақиш натижасида инсон турли касалликларни юқтириши мумкин. Яхши тозаланмаган асбоблардан ёки кўп мартали игналардан фойдаланиш натижасида пирсинг «ишқибоз»лари ОИВ\ОИТС касалликларини, гепатит (В\С), қоннинг йиринглаши каби касалликларга йўлиқишлари мумкин. Мутахассисларнинг билдиришча, пирсингни тил ва лабга таққан ҳолда сигарета чекиш тери саратонини, доғ ва яллиғланишни келтириб чиқаради. Гувоҳи бўлганингиздек, ўша сиз кўриб ҳайратланган кишиларингиз арзимас бир янги ўзгариш учун ёки кимгадир тақлид қилиш, завқланиш, ўз имиджини яратиш истагида касалликларни юқтирадилар. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки соғлиқ-инсоннинг эркин фаолиятини ифодалайди.

Жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни тарбиялаш мафкураининг яна бир муҳим мақсадидир. Зеро ҳар қандай ахлоқи, сиёсий, ҳуқуқий тарбия, муайян ғояни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлади²². Хусусан ёвузлик, беҳаёлик, шафқатсизликни тарғиб этиш орқали шахс маънавиятининг ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган бадиий фильмларда жамият барқарорлигига раҳна солишдан иборат мафкуравий мақсад яширинган. «Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, ҳолос. Натижада уларни дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қахрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади.

Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иш қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушунмайди²³. Зеро, жамият ҳаётида соғлом ғоя устувор бўлмаса, одамларнинг қалби ва онгини ёт, зарарли ғоялар эгаллаб, халқнинг турмуш тарзини издан чиқаради. Худди дунёнинг бойлиги турли кучлар ўртасида талаш бўлганидек, инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаб, уларни ўз қўлидаги қуролига айлантириш мақсади ҳам жаҳонда ҳар хил тажовузкор оқим ва таълимотларни ўзаро курашга ундаши, айниқса, бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда.

Кейинги пайтларда турли расмий тадбирлар ёки ўзаро суҳбатларда бўладими, матбуот ёки телевидение орқали чиқишлардами, хуллас, ҳар қаерда уяли телефон ва интернетнинг ёшлар хулқ-атворида салбий таъсири долзарб

²² Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсади ва вазифалари. – Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002. – 12 б.

²³ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси-ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.:Ўзбекистон, 2000. - 10-11 б.

масала сифатида кўтарилмоқда. Назаримизда, замонавий технологияларнинг бундай акс таъсир кўрсатишига сабаб, энг аввало, фарзандларимизга улардан онгли равишда фойдаланиш зарурлигини етарлича ўргатмаётганимиз, ижтимоий тармоқларнинг таълимий-тарбиявий имкониятларига камроқ эътибор қаратаётганимиздир. Оқибатда айрим ҳолларда замонавий ахборот технологиялари ёш авлод интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи восита эмас, балки кўнгилхушлик қиладиган матоҳга айланиб қолаётир. Аслида интернетнинг фаол фойдаланувчилари унинг имкониятларини яхшироқ англаб етганларида эди, биргина “чат”ларда олди-қочди гаплар билан ўз умрларини ўтказмасдан, интернет орқали ўзларига зарурий ахборотларни олган, тил ўрганган, масофавий ўқишлар талабасига айланган, иш қидирган, ўз жамиятларини тузган ва ўз даврининг етук инсонига айланган бўлардилар. Биринчи Президентимиз И.Каримов айтганларидек, “Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ”. Биламизки, ахборот хуружининг асосий нишони, объекти ёшлар ҳисобланади. Уларнинг кўлами эса йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бориши мутахассислар томонидан кўп эътироф этилаётир. Агар илгари ахборот хуружи асосан талаба-ёшларга қаратилган бўлса, эндиликда мактаб ўқувчилари ҳам унинг домига тушиб бормоқда. Бу, айниқса, шаҳар мактабларида яққол кўзга ташланади. Ҳаққоний таҳлил этиладиган бўлса, Интернет ёшлар онгини бузаяпти деб ҳадеб аюҳаннос солавермасдан, уларнинг оилавий келиб чиқишига, оилада олган тарбиясига, ёшларда иммунитетни мустаҳкамлашга кўпроқ эътиборни қаратсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшларимизнинг аجدодларимиздан қолган бой, маънавий меросини ўқиб-ўрганиш, теран англаши уларни комиллика етаклайди. Интернет тармоқлари орқали дунёни билишлари эса уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошишига замин яратади. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, ўтмишини қадрлаб, келажакка юз тутган юртнинг ворислари ўтмиши каби келажаги ҳам буюк юртни дунёга танитишади. Ахборот хуружини ташкил этувчи ва тарқатувчи асосий майдон – бу интернет тармоғи эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Таъкидлаганимиздек, ёшлар катта авлодга нисбатан интернет тармоғининг энг кўп фойдаланувчи қатламидир. Замонавий жамиятда эса асосий тармоқ ҳисобланган интернетдан воз кечиш ёки уни умуман инкор этиш ҳам мумкин эмас. Ёшлар турли рекламалар ва айниқса, бир-бирларига бевосита таъсир ўтказиш натижасида интернет тармоғидан берилаётган кундалик ахборотларга катта эҳтиёж сезмоқдалар. Кутубхона ҳамда китобхонликка нисбатан бир неча марта арзон ва қулай бўлган интернет тармоғи улар учун ахборотлар билан ишлашнинг энг яхши макони саналади. Аммо давомий ахборотлар билан ишлаш оқибатида, фойдаланувчи ўзи сезмаган ҳолда ахборот хуружига тушиб боради. Сабаби оддий, яъни ахборот истеъмолчиси бўлган ҳар бир фойдаланувчида ахборот билан ишлаш кўникмаси ҳали тўлиқ ривожланмаганлигидадир. Рухшунос фикрига кўра, ҳар бир кашфиётнинг ижобияти ва салбиятини кузатиш мумкин ва бугунги кунги аксар интернет фойдаланувчиларига ҳам интернетнинг яхши жиҳатларидан кўра ёмон жиҳатлари кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Сабаби улар-интернетдан қай тартибда фойдаланиш тартибларини тўлиқ билмасликларидадир. “Ёшлар интернетдан фақат илм, ахборот олиш йўлида фойдаланяпти, десак янглишамиз. Интернет клубларига кирганда, уни тўлдириб ўтирган ёшларни кўриб хурсанд бўламиз. Аммо аксарият ёшлар оила даврасида кўриб бўлмайдиган шахвоний ёки вахшиёна видеофилмларни томоша қилиши, турли вилоят ва шаҳарлардаги қиз

ва йигитлар билан севги номалари алмашиш, ушбу тармоққа ўз суратларини киритиб реклама қилиш билангина бандлар”. Рухшунос ҳолатнинг шу залда давом этиши ёшларнинг тобора худбин, шафқатсиз, беҳаё бўлишларига олиб боришини тахмин қилади: “Бугунги кунга келиб дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирга эга бўлишнинг энг мақбул йўли, ҳар қанча маблағ талаб этилишидан қатъий назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеъни эгаллаш бўлиб қолди. Жаҳонда “ахборот уруши” кетаётганини ҳатто оддий одамлар ҳам пайқашни қийин эмас. Масалан, бирон бир хорижий мамалакатнинг турмуш тарзи, кадриятлар тизимини улуғловчи рисолалар, кинофильмлар тарқатилмоқда, дейлик. Табиийки, бундай ахборотлар жамиятда маълум ижтимоий фикр шаклланишига таъсир этмай қолмайди. Ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари таассуфки, фақат моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий қиёфасини қарийб йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр тоифаларни ҳам вужудга келтиради. Бундай салбий ҳолат мамалакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди”. Аслида Интернет — инсон тафаккури, ақл ва билими қудратининг маҳсули ва инъикосидир. Бугун бу глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсон маънавиятига туғдирадиган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Замонавий ёшлар Интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар. Улар онлайн тизимига асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, тайёр манбалардан нусха олиш, мусиқа ва киноларни кўчириб олиш учун кирадилар. Маълумки, мактаб ёшидаги болалар компьютерларда асосан ўйин ўйнашга қизиқади, лекин бугунги кунда атайин компьютерлар учун ишлаб чиқарилаётган ўйинларнинг ўзи ҳам болалар тарбиясига таъсир кўрсатади десак, муболаға бўлмайди. Қурол олиб ўқ узишни, ёйинки қиличбозлик қилишни ёқтирадиган бола, бир кун келиб ҳақиқатдан ҳам қурол, қилич ёки совуқ қуролларни ушламаслигига ҳеч ким кафолат

беролмайди. Албатта замон талабига қараб компьютерлар учун атайин ўйинлар ишлаб чиқарилмоқда. Отишмалар, қиличбозлик, бузғинчилик ва хаттоки мафиябозлик тўғрисидаги ўйинлар ҳам йўқ эмас. Бундай ўйинларни ўйнаган болалар қандай таассурот олиши мумкун? Албатта яхши таассурот эмас. Бу кабилар фарзандлар хулқига таъсир қилмай қолмайди. Мутасаддиларнинг изланишлари шуни кўрсатади-ки, интернетнинг мактаб ёшидаги болаларга фойдали тамонидан кўра, зарари кўпроқ ва мана шунинг учун ҳам ота-оналар, катталар ёшларимизни интернетдан қандай фойдаланаётганлигини қаттиқ назорат қилишлари лозим. Акс ҳолда, бу ҳолат болалар онгига оддий ҳолат тарзида жойлашиб олса, кейинчалик бу ҳолатни ўзгартириш анча қийин бўлади. Интернет клубларининг кўпайгани яхши. Агар ёшлар чиндан ҳам интернет орқали ўқиб, билим ошириш ёки маълумот олишни хоҳлаб интернетга мурожаат қилган бўлса. Инсон онгини захарлайдиган маълумотлар, видео тасмалар ва ҳоқозаларни излаб, кўриб, қимматли вақтини бекорчи шахвоний нарсаларга сарфлашдан кўра, керакли бўлган маълумотларни олиб ўз ҳаётига тадбиқ қилса, у инсон чинакам интернет қўлловчисига айланади. Бизга яратиб берилган кенг тармоқли интернетнинг асл мақсади ҳам, мана шундан иборатдир. Сир эмаски, интернет тез ва арзон ахборот ёки маълумот олиш, етказиш ҳамда қайта ишлашда беқиёс манба саналади. Кундан – кун сафи кенгайиб, фойдаланувчилар сони ортаётган мазкур тизим дунё ҳамжамиятининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. “Узоқни яқин қиладиган” манба сифатида қараладиган интернетнинг кўпроқ ёшлар қиладиган сайтларини тубдан янгилаш зарур. Сабаби — соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юксак маънавият, пок ахлоқ асосида ўғил –қизларни тарбиялаш вазифаси ана шуни тақазо этади. Бугун ахборотга эгалик қиладиган – ахборотни излаб, топиб, яратиб, таҳлил этиб, тарқата биладиган одам дунёга ҳам эгалик қилади деган қараш ҳақиқат даражасига кўтарилган. Демак, ёшларимизнинг хорижлик тенгдошлари орасида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб, тенглар ичра тенг

бўлиб фаолият юритиши, келажагимизнинг чин маънодаги ҳал қилувчи кучига айланиши учун ҳам, таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, фарзандларимизда унинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар онгига бунёдкор ғояларни сингдирмоғимиз шарт. Акс ҳолда улар онгида маънавий бўшлиқ пайдо бўлади. Биз учун ёт, бузғунчи ва вайронкор ғояларга асосланган ахборотлардан кўзланган ғаразли мақсадларни онги эндигина шаклланаётган ёшларга тўғри тушунтириб, улар онгида мафкуравий иммунитетни муттасил ошириб бориш зарур. Бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан бойитиб бориш лозимдир.

Кейинги пайтларда турли расмий тадбирлар ёки ўзаро суҳбатларда бўладими, матбуот ёки телевидение орқали чиқишлардами, хуллас, ҳар қаерда уяли телефон ва интернетнинг ёшлар хулқ-атвориغا салбий таъсири долзарб масала сифатида кўтарилмоқда. Назаримизда, замонавий технологияларнинг бундай акс таъсир кўрсатишига сабаб, энг аввало, фарзандларимизга улардан онгли равишда фойдаланиш зарурлигини етарлича ўргатмаётганимиз, ижтимоий тармоқларнинг таълимий-тарбиявий имкониятларига камроқ эътибор қаратаётганимиздир. Оқибатда айрим ҳолларда замонавий ахборот технологиялари ёш авлод интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи восита эмас, балки кўнгилхушлик қиладиган матоҳга айланиб қолаётир. Аслида интернетнинг фаол фойдаланувчилари унинг имкониятларини яхшироқ англаб етганларида эди, биргина “чат”ларда олди-қочди гаплар билан ўз умрларини ўтказмасдан, интернет орқали ўзларига зарурий ахборотларни олган, тил ўрганган, масофавий ўқишлар талабасига айланган, иш қидирган, ўз жамиятларини тузган ва ўз даврининг етук инсонига айланган бўлардилар. Биринчи Президентимиз И.Каримов айтганларидек, “Ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга

хаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ”. Биламизки, ахборот хуружининг асосий нишони, объекти ёшлар ҳисобланади. Уларнинг кўлами эса йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бориши мутахассислар томонидан кўп эътироф этилаётир. Агар илгари ахборот хуружи асосан талаба-ёшларга қаратилган бўлса, эндиликда мактаб ўқувчилари ҳам унинг домига тушиб бормоқда. Бу, айниқса, шаҳар мактабларида яққол кўзга ташланади. Ҳаққоний таҳлил этиладиган бўлса, Интернет ёшлар онгини бузаяпти деб ҳадеб аюҳаннос солавермасдан, уларнинг оилавий келиб чиқишига, оилада олган тарбиясига, ёшларда иммунитетни мустаҳкамлашга кўпроқ эътиборни қаратсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз фуқаролари бу йўлда бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилиши энг тўғри йўлдир. Инсонни индивидуал тарзда бунга тайёрлаб борилиши катта мувафакқийетга олиб келади. Тарғибот – ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўя олишимиз, қишлоқ жойларида таълим – тарбия тизимини шакллантиришимиз, миллий ўзлигимизни англашга бўлган ҳаракатларимиз эвазига жамиятдаги ёт, бузғунчи ғояларни сиқиб чиқаришимиз мумкин, бундан ташқари ҳар ҳил интернет сайтлари: Одноклассники, Faceebook, Twitter, Телеграм, Viber, Whats app, WeChat каби сайтлар жамиятни модернизациялашувига ёрдам бериши билан биргаликда ёшларнинг маънавий салоҳиятини ҳам бузаётганлигини унутмаслигимиз лозим. Бу билан биз юқоридаги каби замонавий интернет технологиялари махсулотларидан фойдаланмаслик керак демаймиз. Аксинча улардан фақатгина ўзимиз учун қулай бўлган томонларидан фойдаланган ҳолда жамиятда амал қилсакгина таҳдидлар устидан ғалаба қозона олган бўламиз. Бу ҳолат эса жамиятни ўз – ўзидан барқарорлик томонга бошлаши турган

гапдир. Виртуал дунё инсон рухий оламининг ўзгартириб уни номаълум, ахлоқ ва маънавий жавобгарликдан ҳоли одамнинг ҳаёлий кенгликларига реал ҳаётдан айри бир борликқа олиб кирмоқда. Ҳаёлий дунёдаги воқелик ўз тарихий хотираси илдизлари, ахлоқий-маънавий кадриятларига эга бўлмаган, яланғоч, аниқ шакл-шамойилсиз, тизгинсиз бўшлиқ, турли бало-офатлар тўлдирилган манфурлик сифатида намоён бўлмоқда. Бу бўшлиқни исталган майллари, соғлом ақл-идроқдан ҳоли ҳаёлий ва чексиз ғоялар билан тўлдириш мумкин.

Умуман виртуал дунёнинг замонавий ахборот технологиялари бағрида яратилишини атом бомбасининг яратилишига қиёслаш мумкин. Аммо виртуал дунёнинг вайронкорлик даражаси атом бомбасининг кучидан ҳам даҳшатлироқдир. Чунки у инсонни тарихий хотирасидан, инсонлик моҳиятидан жудо қилади, келгуси авлодларни қалбсиз, туйғусиз, хотирасиз бир махлуққа айлантириб қўяди, бу ҳолат шахс ўз ҳатти-ҳаракатига нисбатан жавобгарлик туйғусини, масъулият ҳиссини йўққа чиқаради. Кишиларда, аввало ёшларда эркин фаолият аниқ ҳаётий мўлжални шакллантирмоқ, уларда ўзбек миллий маданиятини юксалтирмоқ учун аввало уларни ёт ғояларга қарши кураша олиш салоҳиятини юксалтириш, тафаккурини бойитиш, маънавий ва мафкуравий жиҳатдан қуроллантириш зарурдир.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда олиб борилаётган миллий маънавиятимизни юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларни янада такомиллаштириш, айти пайтда муайян даражада илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Давлат ва сиёсий арбоблар, файласуфлар, жамиятшунос олимлар, кўплаб тадқиқотчилар бу даврни глобаллашув даври сифатида баҳоламоқдаларки, бу баҳо бугунги шиддаткор замон воқеа ва ҳодисалар моҳиятини тўғри баҳолаш ва тушуниб олишга ёрдам беради. “Инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқда. Бу жараёнда фақат адолат билан иш кўриш ҳар қандай инсон манфаати учун хизмат қилади дейишимиз мумкин²⁴”-дейди Президентимиз Ш.Мирзиёев. Сўнгги йилларда глобаллашув жараёнлари инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳа ва соҳаларини қамраб олаётган долзарб ҳамда кескин муаммоларни юзага чиқармоқда.

Глобаллашув жараёнида ижтимоий тармоқларни ўзбек миллий маданияти таъсири масаласини ўрганиш ва шу асосда жамиятни маънавий янгилашишига хизмат қилувчи назарий хулосалар ва амалий таклиф – тавсиялар ишлаб чиқиш ижтимоий-сиёсий фанларнинг долзарб вазифаларидан биридир. Биз битирув малакавий ишидаги қўйилган масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бир қатор илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик:

Биринчидан, Глобаллашув ва ижтимоий тармоқларининг диалектик алоқадорлиги хусусиятларига илмий асосда аниқлик киритиш, фуқаролар ўртасида миллий ғояни тарғиб қилиш, маънавий – тарбиявий ишларда диалектик боғлиқликни, миллий ғояни инсонлар онгига сингдириш зарурлигини барча ижтимоий, тарбиявий жараёнларда эсда тутишимиз

²⁴ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга қураимиз.-Т.: Ўзбекистон. 2017

кераклиги бугунги глобллашиб бораётган дунёнинг талаби эканлигини унутмасликимиз керак;

Иккинчидан, глобллашув ва ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзбек миллий маданияти, кадриятлар устуворлигини таъминлаш ижтимоий зарурият, чунки ўз миллий кадриятларини билмаган, унга астойдил аҳамият бермаган халқ хозирги тахдидлар гирдобига тушиб қолиши шубҳасиздир. Шу маънода жамиятда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятларни фуқаролар онгига сингдириш услубларини янада ривожлантириш ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилади;

Учинчидан, кўплаб ташкилотлар, бирлашмалар, фуқаролик жамияти институтлари жамиятнинг маънавий янгиланишига хизмат қилувчи амалий дастурлар ишлаб чиқиш имкониятини ошириш ва уларнинг фаолиятини глобллашув жараёнида жамият барқарорлигини сақлашга бўлган ҳаракатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир;

Тўртинчидан, Глобллашув жараёнида ижтимоий тараққиёт ва маънавий юксалиш, миллий маданиятимизга тахдидларнинг олдини олиш вазифаларини амалий ҳаётда жорий этишда оммавий ахборот воситаларини хусусан, ижтимоий тармоқ сайтларининг ролини оширишга доир мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади;

Глобллашув мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, ўзбек миллий маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Тараққий топган Ғарб мамлакатларининг ўз мақсадларига эришиш йўлидаги интилишлари “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий хуружларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ахборот асри даврида Ғарбнинг маданий қолипдаги “оммавий маданият”ини ва “умуминсоний қадриятлар” сифатида тақдим этилаётган қадриятларини ёйиш каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Бундан мақсад - фуқароларда ўзлари учун зарур дунёқараш ва инсонлар учун ёт, миллий менталитетга мос келмайдиган маданиятни ривожлантириш, халқларни миллий, маданий негизлардан ажратишдир. ”Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос моҳиятни чуқурроқ ва теранроқ англаш инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг асл мақсадларини тўғри тушуниб етишга, мамлакатимиздаги ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка таҳдид солувчи ғояларнинг олдини олишга қаратилган тегишли маърифий ишларни изчил ва тизимли ташкил этишга хизмат қилади²⁵ - деган фикр нақадар тўғри эканлиги барчамизга маълум. Ёшларнинг маънавий дунёсини “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш асносида бундай хавф - хатарларни олдини олиш учун қуйидаги масалаларга диққат - эътибор қаратилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Яъни, барча фуқаролар аجدодлардан қолган ва ҳозирги кундаги тараққий топаётган маънавий билимга эга бўлишлари керак, бошқаларга нисбатан шу соҳа вакиллари юксак маънавиятли мутахассис бўлишлари лозим, тарғибот – ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари кабиларда олиб бориш билан биргаликда, ёшлар ахлоқини такомиллаштиришда уларнинг барчасига иложи борича индивидуал ёндашишимиз мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги каби муаммоларни ечишда фақатгина ўқув масканларига бор маъсулиятни ташлаб қўйиш нотўғри жараён бўлади, бунда иложи борича жамиятдаги, оиладаги муҳитни яхши даражада бўлиши, қолаверса маҳалланинг таъсирини янада оширишимиз керакдир. Бугунги кунда оммавий маданият тарғиб қилаётган шовинизмни

²⁵ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Мухаррир нашриёти, 2009. - Б. 55.

бартафр этишда фақатгина фуқароларни янада кучли маърифатли қилиш орқали эришиш мумкин. Лекин шу билан биргаликда яна шуни таъкилашимиз жоизки глобаллашувни яхши англаб етмаслик, уни нотўғри тушуниш, унга қарши аниқ режа билан қарши тура олмаётганликлари учун давлатлар унинг гирдобига тезда тушиб қолмоқда ва у юзага келтираётган хавфларнинг қурбонига айланишмоқда. Бунинг натижасида кўплаб миллатлар, уларнинг тиллари, миллий анъаналари йўқолиб кетмоқда. Буларга қарши туришда энг самарали йўллардан бири, глобаллашув даврида жамиятда демократик тамойилларни қарор топтириш, плюрализмни янада авж олдириш ва бизнингча энг асосийларидан бири инсон ўзини – ўзи танқид қилаолиши ва кези келганда биров қилган танқидни ҳам тўғри қабул қилишни ўрганиши керак. Глобаллашувнинг ижтимоий тараққиётдаги таҳдидларини олдини олишда олиб борилаётган ислохотларни кўпроқ телекўрсатувлар, радио ва газеталарда кўпроқ ҳалқ орасида юриб, ўрганиб очиб беришимиз керак. Бунинг учун эса кўпроқ оммавий ахборот воситалари мутахассислари ўз ишларининг устаси қилиб шакллантиришимиз керак. Ёт ғояларга тўла ғарб фильмлари ўрнига шарқона ахлоқимиз, маданиятимиз билан суғорилган фильмларни бундан кўпроқ яратишимиз шарт ва булар ўз ўрнида жамиятни маънавиятига, тараққиётига ҳизмат қилиши зарурдир. Яна бир бор айтиб ўтиш лозим, глобаллашув ва ижтимоий тараққиёт ўзаро бир – бирига чамбарчас боғлиқ жараёнлардир. Бундан узоқда тураман, аралашмайман деган давлатнинг ўзи беқарорликка учраши мумкинлигини бугунги дунё мисолида кўришимиз мумкин. Кўплаб давлатлардаги фуқаролар уруши, жамият соҳаларининг инқирозлари юқоридаги фикримизга исботдир. Юқоридаги фикрлардан ҳам олиб қарайдиган бўлсак глобаллашувни таҳдидларини маълум бир аниқ стратегик режасиз ҳал қилиш мушкул.

Демак, биз ёшлар мамлакатимизни янада юксак поғоналарга, тараққиётга қараб қадам ташлашида ўзимизга ишонган ҳолда бунёдкор ғоялар билан ҳаракат қилишимиз кераклигини унутмаслигимиз ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир десак асло муболаға қилмаган бўлардик. Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни ахборот истеъмоли маданиятимиз орқали саралашимиз ва унга жавобан ўз муносабатимизни билдиришимиз зарурдир. Ўзбек миллий маданияти ҳамيشа нафақат ижтимоий тармоқлар балки ҳар қандай усул ва воситалар орқали намоён бўлаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Расмий ҳужжатлар ва манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 7 феврал 2017.
3. Ўзбекистонда маънавият, маърифат фан ва жамоатчилик фикри (илмий-амалий семинар маълумотлари). Тошкент. 2001
4. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 7 феврал 2017.

II. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Андижон вилояти Улуғнор туманида фаоллар билан ўтказилган йиғилишдаги маърузаси. 19-май. 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция-эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.-Т.: Ўзбекистон, 2018. -64 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги сўзлаган маърузаси. 22-сентябрь 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т.: Ўзбекистон, 2017. -592 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови -Т.: «Ўзбекистон», 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини

- биргаликда барпо этамиз.-Т.: Ўзбекистон, 2017.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси.-Т.: 22-декабрь. 2017.
 9. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2008
 10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том.-Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
 11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том.-Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
 12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том.-Т.: Ўзбекистон, 2002 йил.
 13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том.-Т.: Ўзбекистон. 2003 йил.
 14. Каримов И.А. Инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2006 йил.
 15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2007 йил.
 16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил.
 - 17-том.-Т.: Ўзбекистон. 2009 йил.
 18. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз.-Т.: Ўзбекистон. 2017.

Ш. Ўқув қўлланма, монография ва рисоалар

1. Авесто. А.Маҳкамов таржимаси. -Т.: Шарқ, 2001. -Б. 248.

2. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият/ А.А. Азизхўжаев; [Масъул муҳаррир: О.Хусанов]. - Тошкент: Шарқ, 1997. - 112 б.
3. Алишер Навоий Махбуб ул-қулуб.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-262 б.
4. Алишер Навоий. Хайратул аброр.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-352 б.
5. Амир Темур тузуклари.-Т.: Навруз, 1996.-81 б.
6. Бегматов А. Глобаллашув миллий анъаналар ва ёшлар тарбияси. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2004
7. Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият, 1999.- 387 б.
8. Ғойибов Н.Ё. Амир Темур даври маънавияти. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. -248 б.
9. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 10.Жўраев, Нарзулла. Мафкуравий иммунитет ёки маънавий халоскорлик туйғуси/ Нарзулла Жўраев. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 64 б.
- 11.Манойло А. В. Петренко А. И. Фролов Д. Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. М.: Горячая линия – Телеком. 2006
12. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2009.
- 13.Саифназаров И.С. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.-228 б.
- 14.Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-228 б.
- 15.Тангиров А. Ёшлар маънавият қиёфаси. Миллий маънавият ва мафкура. – Т.: Минхож, 2002.
- 16.Умаров.Б, Жабборов. Ш. Глобаллашув ва маънавий – ахлоқий тарбия. – Т: “Академия”, 2010
- 17.Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ. таҳрири астида.-Т.: Шарқ, 2004.-496 б.

- 18.Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот.-Т.: Шарқ, 2001-176 б.
- 19.Форобий Абу Наср. Рисолалар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.-443 б.
- 20.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Навруз, 1993.-260 б.
- 21.Шарофиддинов О. Маънавият камолот йўлларида/ О. Шарофиддинов. - Тошкент: Маънавият, 2001. - 220 б.
22. Шермухамедов С. Ижтимоий тарикқиёт ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири. -Т.:1999.
- 23.Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият/ А.Эркаев; Масъул муҳаррир:С.Ш.Шермухамедов. - Тошкент: Маънавият, 2002. - 240 б.
- 24.Қуронов М. Миллий тарбия/ М. Қуронов; Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. - Тошкент: Маънавият, 2007. - 240 б.
- 25.Чориев А. Маънавиятимиз сарчашмалари: "Миллий истиқлол ғояси" ва "Маънавиятимиз асослари" курслари учун ўқув кўлланма/ Аҳмад Чориев. - Қарши: Насаф, 2004. - 92 б.
26. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Т,: Университет, 1998. - 30 б.

III Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар:

1. Нурматова М. Халқаро глобаллашув жараёнлари ва миллатлараро муносабат масаласи. // Ижтимоий фикр, инсон ҳуқуқлари журнали. – Тошкент, 2004. - № 1.